

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**42-сон**  
**(1218)**  
**2025 йил**  
**октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

629. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини янада оширишга ҳамда маҳсулотларни ўз ихтиёри билан чақириб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 17 октябрдаги ўРҚ–1088-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

630. «Сув соҳасини рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш ва барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 13 октябрдаги ПФ–183-сон Фармони [Кўчирма]

631. «Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомил-

лаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 октябрдаги ПҚ–302-сон қарори [Кўчирма]

632. «Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 октябрдаги ПҚ–303-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

633. «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодий ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 октябрдаги 648-сон қарори
634. «Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 октябрдаги 650-сон қарори
635. «Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 октябрдаги 652-сон қарори
636. «Олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 октябрдаги 656-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

637. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 6-oktabrdagi 294-son "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 30-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2634-8*)
638. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining 2025-yil 3-oktabrdagi 11-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-sentabrdagi 292-son "Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi

nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2821-5*)

639. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-sentabrdagi 290-son "O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti pul mablag'larini kassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo'yicha hujjat shakllari va ularni taqdim qilish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3009-3*)
640. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 23-sentabrdagi 20-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3691*)
641. O'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 23-sentabrdagi 19-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3692*)
642. O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining 2025-yil 3-oktabrdagi 2025-18-son "Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 16-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3221-7*)
643. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Boshqaruv samaradorligi agentligi direktorining 2025-yil 9-oktabrdagi 3-2025-son "Davlat fuqarolik xizmatchilari faoliyatining samaradorligini eng muhim ko'rsatkichlar asosida baholash uslubiyatiga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3407-2*)
644. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 15-sentabrdagi 21/4-son "Mikromoliya tashkilotlari va lombardlar faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3412-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ**

**629** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини янада оширишга ҳамда маҳсулотларни ўз ихтиёри билан чақириб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил  
10 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 1 августда  
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий усулларни жорий этиш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузганлик учун таъсир чораларини кучайтириш, техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотни чақириб олган тадбиркорлик субъектларига енгиллик бериш механизмларини шакллантириш мақсадида қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Стандартиштириш тўғрисида»ги ва «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишинча мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини оширишга ҳамда техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотни чақириб олган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур Қонун истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга, мувофиқликни баҳоловчи органларнинг масъулиятини оширишга, сифатсиз маҳсулотларни бозордан чиқариш жараёнида тадбиркорлар иштирокини рағбатлантириш орқали самарали ҳуқуқий механизмларни шакллантиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 октябрда эълон қилинган.

қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда, № 11, 1193-модда; 2025 йил, № 2, 188, 194-моддалар, № 3, 370-модда, № 4, 519, 520, 522-моддалар) **1018-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузиш натижасида фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган тақдирда, етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда мувофиқликни баҳолаш органи товарни (ишни, хизматни) сотувчи, тайёрловчи (ижрочи) билан бирга солидар жавобгар бўлади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 221–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 4-модда; 2023 йил, № 2, 106-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда; 2025 йил, № 1, 7-модда, № 3, 372-модда) **20-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузиш натижасида истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган тақдирда, етказилган зарарнинг

ўрнини қоплашда мувофиқликни баҳолаш органи сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан бирга солидар жавобгар бўлади»;

**иккинчи — бешинчи қисмлар** тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 ноябрда қабул қилинган «**Стандартлаштириш тўғрисида**»ги ЎРҚ–800-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 11, 1061-модда; 2024 йил, № 8, 819-модда; 2025 йил, № 1, 1-модда) **27-моддаси** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Стандартларнинг мажбурий талабларига мос бўлмаган маҳсулотнинг камида етмиш фоизини қонунчиликда белгиланган тартибда чақириб олган юридик шахслар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган молиявий санкциялардан озод қилинади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралда қабул қилинган «**Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–819-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 2, 106-модда, № 11, 923-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

**1) 46-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотнинг камида етмиш фоизини қонунчиликда белгиланган тартибда чақириб олган ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи ёки импорт қилувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган молиявий санкциялардан озод қилинади»;

**тўртинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**2) 47-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузган мувофиқликни баҳолаш органи ва унинг мансабдор шахслари қонунга ҳамда сертификатлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ жавобгар бўлади».

**5-модда.** Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 17 октябрь,  
ЎРҚ–1088-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 630 Сув соҳасини рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш ва барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

#### [Кўчирма]

Сув соҳасини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, рақамли технологиялар ёрдамида мавжуд сув ресурслари ва электр энергияси ҳисоби юритилишини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳани барқарор ривожлантириш мақсадида **қарор қилман:**

#### I. Мақсадлар

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) республикада фойдаланилаётган сув ресурслари ҳисобининг тўлиқ юритилишини йўлга қўйиш, 400 дан ортиқ маълумотларни рақамлаштириш;

(б) 600 мингдан ортиқ сув истеъмолчилари, 4,3 миллион гектар суғориладиган ер майдонлари ҳамда суғориш учун фойдаланилган сув ресурслари тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда шакллантириш;

(в) сув ҳисоби юритилиши жараёнида инсон омилини камайтириш, сувдан фойдаланувчилар ва иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар базасини яратиш;

(г) сув соҳасини барқарор ривожлантириш, инновацион ва илғор технологияларни кенг жорий этиш.

#### II. Сувдан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш

2. Белгилансинки, сувдан фойдаланувчиларга етказиб берилаётган сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлиқ юритиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасини шакллантиришни тартибга солиш мақсадида:

(а) Сув хўжалиги вазирлигининг «Suv hisobi» ахборот тизими орқали сув етказиб берувчи ташкилот билан юридик шахс бўлган сувдан фойдаланувчи ўртасида тузиладиган икки томонлама электрон далолатнома сувдан фойдаланувчи томонидан 10 кун муддатда кўриб чиқилиши ҳамда эътирози

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 октябрда эълон қилинган.

бўлмаганда мазкур ахборот тизимида тасдиқланиши мажбурий ҳисобланади. Бунда:

(i) сувдан фойдаланувчи томонидан далолатнома тасдиқланмаса ёки унинг эътирози бўлган тақдирда асослантирувчи ҳужжат ёки маълумот ахборот тизимида жойлаштирилмаса, далолатнома келишилган ҳисобланади;

(ii) сув етказиб берувчи ташкилот сувдан фойдаланувчига икки томонлама электрон далолатнома тузилгани тўғрисида электрон (СМС-хабарнома ва мобил илова орқали) хабарнома юборади;

(б) сувни ҳисобга олиш воситалари мавжуд бўлмаган ва (ёки) фойдаланилган сувнинг ҳақиқий ҳажмини сувни ҳисобга олиш воситалари орқали аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда фойдаланилган сувнинг ҳажмини қуйидаги тартибда аниқлашига рухсат берилади:

(i) Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг давлат космик мониторинги доирасида қишлоқ хўжалиги экин ерларида аниқланган фойдаланилган сувнинг ҳажмига асосан космик мониторинг орқали;

(ii) Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг давлат космик мониторинги доирасида аниқлаш имкони бўлмаганда — «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформасига киритилган қишлоқ хўжалиги экин турлари ва майдони бўйича сув ресурслари истеъмоли нормативларига кўра;

(в) деҳқон хўжаликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар томонидан фойдаланилган сув ҳажми экинлар ҳамда яшил дарахтзорларни суғориш нормаларидан келиб чиқиб аниқланади.

3. Сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда:

(а) Адлия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини тасдиқласин;

(б) сувдан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани «Suv hisobi» ахборот тизимида намунавий шартнома асосида электрон шаклда тузиш имконини яратсин.

Белгилансинки, мазкур шартнома бўйича юридик хулоса олиш талаб этилмайди.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Рақамли қишлоқ хўжалиги» ягона интеграцион платформасини «Suv hisobi» ахборот тизимида интеграция қилинишини таъминлаб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг ер майдонлари, экин турлари ва уларнинг жойлашуви (координаталари ва контур рақамлари) тўғрисидаги маълумотларни автоматик тарзда доимий ҳамда беғараз тақдим этиб боришни йўлга қўйсин.

5. Белгилансинки, Сув хўжалиги вазирлиги буюртмаси асосида яратилган ахборот тизимлари, ресурслари ва дастурий маҳсулотлар, шу жумладан тизим оператори томонидан ишлаб чиқилган ҳамда такомиллаштирилган ах-

борот тизимлари, ресурслар ва дастурий маҳсулотлар Сув хўжалиги вазирлигининг мулки ҳисобланади ҳамда белгиланган тартибда интеллектуал мулк сифатида рўйхатга олинади.

### **III. Сув хўжалиги тизими ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш**

6. Сув хўжалиги соҳасида рақамлаштириш жараёнини янада жадаллаштириш мақсадида Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмасида Марказий диспетчерлик ва сув баланси хизмати негизида давлат муассасаси шаклида Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази (кейинги ўринларда — Рақамлаштириш маркази) ташкил этилсин ҳамда Марказий диспетчерлик ва сув баланси хизматининг бўшайдиган штат бирликлари, амалга оширилаётган ва мувофиқлаштирилаётган лойиҳалари, балансида бўлган мол-мулки ва товар-моддий бойликлари Рақамлаштириш марказига ўтказилсин.

Рақамлаштириш маркази ташкил этилиши муносабати билан Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази тугатилсин ва унинг бўшайдиган штат бирликлари, амалга оширилаётган ва мувофиқлаштирилаётган лойиҳалари, балансида бўлган мол-мулки ва товар-моддий бойликлари Рақамлаштириш марказига ўтказилсин.

Белгилансинки, Рақамлаштириш маркази 31 та штат бирлигидан иборат бўлиб, Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги мавжуд штатлар ҳисобидан шакллантирилади.

7. Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмасида давлат муассасаси шаклида Сув соҳасида барқарор ривожланиш маркази (кейинги ўринларда — Ривожланиш маркази) ташкил этилсин ва шу муносабат билан Сув хўжалигида ислохотлар маркази тугатилсин ҳамда унинг бўшайдиган 23 та штат бирлиги, амалга оширилаётган ва мувофиқлаштирилаётган лойиҳалари, балансида бўлган мол-мулки ва товар-моддий бойликлари Ривожланиш марказига ўтказилсин.

8. Белгилансинки:

(г) Рақамлаштириш ва Ривожланиш марказлари фаолияти Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштирилади;

(д) Рақамлаштириш маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби Марказий диспетчерлик ва сув баланси хизмати ходимларига амалда қўлланаётган тартиб бўйича белгиланади;

(ж) Ривожланиш маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби Сув хўжалигида ислохотлар маркази ходимларига амалда қўлланаётган тартиб бўйича белгиланади;

(з) Ривожланиш маркази ҳар ойда сув ресурслари соҳасини ислоҳ қилиш ҳолати, амалга оширилаётган чора-гадбирлар, ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради.

9. Қуйидагилар:

(а) Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг марказининг асосий вазифалари 1-иловага мувофик;

(б) Сув соҳасида барқарор ривожланиш марказининг асосий вазифалари 2-иловага мувофик;

(в) Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари 3-иловага мувофик;

(г) Сув соҳасида барқарор ривожланиш маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари 4-иловага мувофик тасдиқлансин.

10. Рақамлаштириш ва Ривожланиш марказларига ўзларининг бюджетдан ташқари маблағларини ушбу марказлар фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва жорий харажатларга, таъмирлаш, реконструкция ва қурилиш ишларига, ходимларни моддий рағбатлантириш, малакасини ошириш, шу жумладан, хорижий стажировкаларни ташкил этиш, чет давлатларда ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш, тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, жалб қилинган маҳаллий ва хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашга, шунингдек, мазкур марказлар фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларга йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

11. Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш» АЖ ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Ўзсувқурилиш» АЖга қарашли Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Лабзак кўчаси 1а-уйда жойлашган бинонинг умумий майдони 1 394 кв метр бўлган «Б» блоки ертўла қисми ва 1-қавати ҳамда мазкур бинога туташ бўлган жами 1 912 кв метр ер майдонини «Ўзсувқурилиш» АЖ устав капиталида бўлган давлат улушини камайтириш ҳисобига Рақамлаштириш маркази балансига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Рақамлаштириш маркази Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Лабзак кўчаси 1а-уй манзилидаги бинонинг «Б» блоки ертўла қисми ва 1-қаватига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида белгиланган тартибда жойлаштирилсин.

Ривожланиш маркази Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Лабзак кўчаси 1а-уй манзилидаги бинонинг «Б» блоки 4-қаватига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида белгиланган тартибда жойлаштирилсин.

#### **IV. Бошқарув жараёнларини такомиллаштириш**

12. Сув хўжалиги соҳасидаги жараёнларни бир жойдан кузатиш ва сув ресурсларини самарали бошқариш мақсадида «Сув хўжалигида вазиятлар маркази» ишга туширилгани ҳамда «Suv hisobi», «Nasos stansiyalari», «Tomchi Yer», «Smartwater» ахборот тизимлари, «Raқamli suv xo'jaligi» ягона ахборот тизими, маълумотлар базалари ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқилгани ҳамда амалиётга жорий этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

13. Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида амалдаги вазир ўринбосарлари лавозимларидан бирининг штат бирлиги ҳисобидан сув хўжалиги вазирининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари (Chief Digital Officer) лавозими жорий этилсин ва унга сув хўжалиги соҳасини

рақамлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг амалга оширилиши ҳамда ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шахсан жавобгарлик юклансин.

Белгилансинки, сув хўжалиги вазирининг рақамлаштириш бўйича ўринбосарига ҳамда Рақамлаштириш ва Ривожланиш марказларига мазкур Фармонда назарда тутилган ва рақамлаштириш соҳаси ва фаолияти йўналишларидан ташқари бошқа вазифа, функция ва топшириқларни юклаш тақиқланади.

## **V. Сув кадастри ва электр энергия ҳисоботларига оид тизимларни такомиллаштириш**

14. Сув хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги ва Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2026 йил 1 апрелга қадар Сув хўжалиги вазирлигига рақамлаштириш тадбирлари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан «Давлат сув кадастри» ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва маълумотларни ўзаро интеграция қилиш ишларини амалга оширсин.

Бунда Гидрометеорология хизмати агентлиги ер усти сувлари, Сув хўжалиги вазирлиги сувдан фойдаланиш, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ер ости сувлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ичимлик ва оқова сувлар бўйича маълумотларни махсус ҳимояланган алоқа тизимлари орқали «Давлат сув кадастри» ахборот тизимига тақдим этиб борсин.

15. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларига электр энергияси ҳисоблагичларини харид қилиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар тегишлилиги бўйича «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзэнергосотиш» АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

16. «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзэнергосотиш» АЖ 2026 йил 1 майга қадар:

(а) насос станцияларида ўрнатилган электр энергияси ҳисоблагичларини «Nasos stansiyalari» ахборот тизимига интеграция қилиш;

(б) интеграцияси якунланиб, ахборот тизимига маълумоти келмаётган ҳисоблагичларини алмаштириш, нуқсони мавжудларини тузатиш, уларни алоқа воситалари билан таъминлаш ишларини якунласин.

Бош прокуратура Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда жойлардан маълумоти келмаётган қурилмаларга ташқи таъсир кўрсатиш ҳолатлари бўйича назорат тадбирларини ташкил этсин, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда қонунчиликда белгиланган қатъий чоралар кўрилишини таъминласин ва ҳар чоракда амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

## VI. Молиявий ресурслар

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

(а) Сув хўжалиги вазирлигига мазкур Фармон билан кўшимча вазифалар юклатилганини инобатга олиб, 2026 йил учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда сув хўжалигида рақамлаштириш тадбирлари, жумладан, Рақамлаштириш маркази фаолиятини молиялаштириш учун 50 миллиард сўм маблағни назарда тутсин;

(б) 2026 йилдан бошлаб Сув хўжалиги вазирлигига рақамлаштириш тадбирлари учун ажратиладиган барча маблағлар Рақамлаштириш маркази орқали молиялаштирилишини, 2027 йилдан бошлаб ҳар йили Рақамлаштириш ва Ривожланиш марказлари фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган маблағлар Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

18. Сув хўжалиги вазирлиги икки ҳафта муддатда Рақамлаштириш ва Ривожланиш марказлари фаолиятини ташкил қилишга қўмаклашиш, бино ва иншоотларни таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадида мазкур марказларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаларига Сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир марказга 10 миллиард сўмдан маблағ ажратсин.

## VII. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев — Фармоннинг ўз вақтида бажарилишини ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришилишини муҳокама қилиб, тизимли назоратни ўрнатиш учун;

(б) сув хўжалиги вазири Ш. Хамраев — сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш учун;

(в) рақамли технологиялар вазири ўринбосари О. Умаров — ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, техник қўллаб-қувватлаш, идоралараро интеграцион платформа орқали ўзаро боғлаш ишларига қўмаклашиш учун;

(г) қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Қ. Юлдашев — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ер майдонлари, экин турлари ва уларнинг жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда тақдим этилиши учун;

(д) иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари А. Ҳайдаров — Фармон ижросини таъминлашга зарур бўлган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ ажратилишини таъминлаш учун;

(ж) Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари М. Абдуллаев — сув хўжалиги соҳасига рақамлаштириш тадбирлари учун ажратилган маблағлар мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатиш учун.

20. Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан

биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 майдаги «Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида»ги ПФ–74-сон Фармонига 5-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

22. Фармон ижроси бўйича масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Т.Н. Бутунбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 13 октябрь,  
ПФ–183-сон

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 13 октябрдаги  
ПФ–183-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

### **Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг марказининг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш жараёнини таҳлил қилиш, ахборот технологияларини жорий этиш бўйича янги ташаббуслар ишлаб чиқиш ва мазкур ишларда буюртмачи вазифасини бажариш.

2. Илғор халқаро тажриба асосида сув хўжалиги тизимида бошқарув жараёнларини рақамлаштириш орқали мақбуллаштириш ҳамда бу борадаги самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

3. «Рақамли сув хўжалиги» ягона платформасига тизимдаги барча дастурий комплексларни интеграция қилиш, уларнинг бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш.

4. Сув хўжалигида вазиятлар марказининг самарали фаолият юритишини таъминлаш.

5. Сув хўжалиги объектларида сув ресурслари ва электр энергияси ҳисобини юритувчи рақамли қурилмаларнинг техник шартларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш.

6. Сув ҳисоби юритилишини рақамлаштириш, сувдан фойдаланувчилар ва иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш.

7. Замонавий технологиялар ёрдамида ягона сув балансини шакллантириш ҳамда давлат сув кадастрининг юритилишини такомиллаштириб бориш.

8. Сув хўжалиги масалалари бўйича кунлик, оператив (тезкор) маълумотлар туну кун олиншини таъминлаш ҳамда тасдиқланган сув олиш лимитлари ва графиклари асосида сув олиншини мониторинг қилиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 13 октябрдаги  
ПФ–183-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

### **Сув соҳасида барқарор ривожланиш марказининг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

1. Сув соҳасини ривожлантиришга оид дастурий ҳужжатларда белгиланган йўналишлар бўйича асосий мақсадли кўрсаткичлар ва индикаторларга эришиш ҳолатини таҳлил қилиб бориш.

2. Сув соҳасидаги тизимли муаммоларни таҳлил қилган ҳолда соҳани стратегик ва инновацион ечимлар ҳамда истиқболли ташаббуслар асосида ривожлантириш бўйича таклифлар, чора-тадбирлар ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

3. Сув соҳасида инновацион ва илғор технологияларни жорий этиш бўйича ташаббусларни илгари суриш.

4. Трансчегаравий, халқаро ва маҳаллий сув муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Сув соҳасига оид маънан эскирган қоида ва меъёрларни белгиловчи ҳужжатларни замон талабларига мослаштириш бўйича ташаббуслар илгари суриш.

6. Сув соҳаси ташкилотларининг фаолиятини илғор хорижий амалиётлар асосида ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Халқаро ташкилотлар, молия институтлари, консалтинг компаниялари ва мутахассисларнинг тавсияларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, мақбул ташаббусларнинг самарали имплементация қилинишини таъминлаш.

8. Конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, тренинглар ва давра суҳбатларини, шунингдек, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 13 октябрдаги  
ПФ–183-сон Фармонига  
3-ИЛОВА

**Сув хўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг  
маркази фаолиятини  
МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ**

1. 2025 йилда — Сув хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалигини рақамлаштириш маркази учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, 2026 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар.

2. Сув хўжалиги вазирлиги тизимига Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг соҳани рақамлаштириш ҳисобига иқтисод бўлган қисми.

3. Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижалари асосида ажратиладиган маблағлар.

4. Вазирлик, идора ва муассасалар томонидан уларнинг буюртмалари асосида тадқиқотлар ва баҳолаш ишларини олиб бориш учун ажратиладиган маблағлар.

5. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида жалб қилинадиган грант маблағлари.

6. Рақамлаштириш марказининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар.

7. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари.

8. Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 13 октябрдаги  
ПФ–183-сон Фармонига  
4-ИЛОВА

**Сув соҳасида барқарор ривожланиш маркази фаолиятини  
МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ**

1. 2025 йилда — Сув хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалигида ислохотлар маркази учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, 2026 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган маблағлар.
2. Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижалари асосида ажратиладиган маблағлар.
3. Вазирлик, идора ва муассасалар томонидан уларнинг буюртмалари асосида тадқиқотлар ва баҳолаш ишларини олиб бориш учун ажратиладиган маблағлар.
4. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида жалб қилинадиган грант маблағлари.
5. Сув соҳасида барқарор ривожланиш марказининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар.
6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари.
7. Қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**631** Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

[Кўчирма]

Сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини самарали бошқариш, сув мониторинги, ҳисоби ва ҳисоботини юритишни таъминлаш, шунингдек, ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида **қарор қиламан:**

**I. Мақсадлар**

1. Қуйидагилар мазкур қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадли кўрсаткичлар этиб белгилансин:

(а) 160 та «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш, уларда штатларни эгилувчан бошқариш тизимини жорий қилиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

(б) Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларининг 50 фоизини 2026 йилда давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш;

(в) сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш бўйича Наманган вилоятининг намунали тажрибасини инobatга олган ҳолда 2027 йил якунига қадар вилоятдаги 100 фоиз насос станциялари давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга берилишини таъминлаш;

(г) «Сувчилар мактаби» лойиҳаси доирасида 141 та туманда камида 3,5 минг гектар ер майдонида ўқув дала-шийпонларини ташкил этиш;

(д) сув ресурсларини бошқариш ва уларнинг ҳисобини шаффоф юритиш бўйича Дўстлик туманида амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

(i) 437 та фермер хўжалиги томонидан фойдаланилган сув ҳажми ва сув истеъмолини шаффоф кузатиб бориш, ажратилган сув ресурсларини белгиланган лимитлар доирасида етказиб бериш;

(ii) 1 804 та «ақлли» сув ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш ҳамда йилига 107 миллион куб метргача ёки 33 фоиз сув ресурсларини иқтисод қилиш;

(iii) суғориш тармоқларининг 159 км қисмини бетонлаштириш ва 541 км қисмини техник соз ҳолатга келтириш.

**II. Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини  
такомиллаштириш**

2. Қуйидагилар «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари (ке-

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 октябрда эълон қилинган.

йинги ўринларда — Сув етказиб бериш хизматлари) фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(а) эҳтиёж ва молиявий имкониятларни инобатга олган ҳолда штатларни эгиловчан бошқариш тизимини жорий қилиш;

(б) сув ресурсларидан оқилона фойдаланишидан келиб чиқиб, Сув етказиб бериш хизматлари ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ)ни белгилаш ва улар асосида рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

(в) Сув етказиб бериш хизматларининг молиявий мустақиллигини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

3. Сув етказиб бериш хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, уларга қўйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

(а) молиявий ҳолатдан келиб чиқиб ҳамда мавсумга қараб мустақил равишда штат бирликлари сонини белгилаш;

(б) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизи миқдоридаги маблағлар ҳисобидан моддий-техник базани мустаҳкамлаш, шу жумладан, қўйидагиларни молиялаштириш учун маблағларни мустақил йўналтириш:

(i) суғориш тармоқларини бетонлаштириш материаллари (цемент, қумшағал, тайёр бетон ва инерт материаллари)ни харид қилиш ҳамда бетонлаштириш ишларига жалб қилинган ходимларни рағбатлантириш;

(ii) махсус техника (бетон аралаштиргич, юк кўтаргич, юк автомобили, экскаватор ва бошқалар) харид қилиш;

(iii) зарур бўлган ускуна ва жиҳозлар (махсус кийим-бош, скутер, велосипед, сув ўлчаш ускуналари, планшет ва бошқалар) харид қилиш.

4. Сув хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда Сув етказиб бериш хизматлари томонидан мустақил равишда штат бирликлар сонини белгилаш тартибини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

(б) Сув етказиб бериш хизматлари раҳбар ходимлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳолаш тартиби бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда қўйи бўғин ходимларининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 2026 йил 1 январдан бошлаб туман учун олинган сув ҳажми ҳамда якуний истеъмолчиларга етказилган сув ҳажми орасидаги фарққа (сув йўқотишларига) мутаносиб равишда ходимларнинг лавозим маошига ойлик устама белгилаш назарда тутилсин.

### **III. Сув ресурсларини бошқаришда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш**

5. Наманган вилояти ҳокимлиги ва Сув хўжалиги вазирлигининг насос станциялари ва уларга бириктирилган майдонларда жойлашган суғориш тар-

моқларини «бир насос — бир тизим» тамойили бўйича давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш, яъни сувдан фойдаланувчиларга сувни бевосита хусусий шерик томонидан етказиб бериш тизимини (Чортоқ тажрибаси) йўлга қўйиш бўйича таклифи маъқуллансин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Чортоқ тажрибаси доирасида:

(а) насос станциялари ва суғориш тармоқлари агар уларга суғориш учун бириктирилган майдонларда бир нечта сув истеъмолчилари мавжуд бўлса, улар орасидан келишилган ҳолда битта талабгорга истисно тариқасида давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга тўғридан-тўғри берилди;

(б) насос станциялари ва суғориш тармоқлари агар уларга суғориш учун бириктирилган майдонларда битта сув истеъмолчиси мавжуд бўлса, унга истисно тариқасида давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга тўғридан-тўғри берилди;

(в) давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга олинган суғориш тармоқларига ўрнатилган ва солиқ органларининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинган сувни реал вақт режимида ўлчаш қурилмалари орқали ҳисобланган сув солиғи тушумининг 40 фоизи Сув етказиб бериш хизматлари томонидан хусусий шерикка тўлаб берилди;

(г) сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга олган хусусий шерик зиммасига, шу жумладан, қўйидаги мажбуриятлар юкланади:

(i) сув истеъмолчилари ва аҳоли томорқаларини белгиланган тартибда сув олиш лимити доирасида сув билан таъминлаш;

(ii) мавжуд барча сув хўжалиги объектларини давлат шериги билан келишилган ҳолда бошқариш;

(iii) сув ҳисоби ва ҳисоботининг, шу жумладан, автоматлаштирилган тизимлар орқали тўлиқ юритилишини таъминлаш;

(iv) хизмат кўрсатиш ҳудудидаги барча сув хўжалиги объектларини босқичма-босқич модернизация қилиш.

7. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда сув омборлари ва йирик каналларни тўйинтирувчи насослардан ташқари:

(а) 2026 йилда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида насос станцияларининг 50 фоизи;

(б) 2027 йил якунига қадар Наманган вилоятида 100 фоиз насос станциялари давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга берилишини таъминласин.

8. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети, «Агробанк» АТБ билан биргаликда 2025 йил 1 ноябрдан бошлаб сув хўжалиги соҳаси, дехқон ва фермер хўжаликлари вакиллариغا Чортоқ тажрибаси асосида насос станциялари ва суғо-

риш тармоқларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга беришнинг мазмун ва моҳияти, афзалликлари ҳамда тартиб ва шартларини тушунтириш бўйича алоҳида режа-график асосида семинар-тренинглар ташкил қилиб борсин.

9. «Агробанк» АТБга 2025-2026 йилларда «Сувчилар мактаби» лойиҳаси доирасида ҳар бир туманда биттадан фермер хўжалигининг пахта ва ғалла майдонларида замонавий сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳамда ўқув дала-шийпонларини ташкил этиш бўйича намунавий лойиҳаларни амалга ошириш тавсия этилсин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳамда «Агробанк» АТБ билан биргаликда бир ой муддатда ўқув дала-шийпонларида семинар-тренинглар ташкил этиш бўйича режа-графикни тасдиқласин.

Бунда туман ҳокимлари семинар-тренингларда деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилларининг иштирокини таъминлашга масъул ҳисобланади.

11. Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Агробанк» АТБ, Ўзбекистон фермерлари кенгаши ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлигининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Дўстлик туманида 2026 йил 1 январдан бошлаб илғор хорижий тажриба асосида Сув ресурсларини бошқаришни автоматлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси (кейинги ўринларда — Тажриба-синов лойиҳаси)ни амалга ошириш бўйича таклифи маъқуллансин.

12. Қуйидагилар:

(а) Тажриба-синов лойиҳасининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилгани ва давлат экспертизасидан ўтказилгани;

(б) Тажриба-синов лойиҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар кооперативи (кейинги ўринларда — Кооператив)ни ташкил қилган ҳолда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилиши, бунда Кооперативнинг Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш мақсадида «Агробанк» АТБ томонидан имтиёзли кредит ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Адлия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермерлари кенгаши ва Жиззах вилояти ҳокимлиги Дўстлик туманида Кооператив ташкил этилишига қўмақлашсин.

14. Белгилансинки, Кооператив ташкил этилгандан сўнг янги ҳисобот йилидан бошлаб «Дўстлик тумани сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасасининг вазифа ва функциялари Кооперативга ўтказилади.

15. Сув хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда Тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш юзасидан Кооператив билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида қуйидагиларни назарда тутувчи давлат-хусусий шериклик битими тузилишини таъминласин:

(а) ирригация тизими ва фермерлараро суғориш тармоқларидаги сув тақсимлаш ва сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобини юритишнинг муқобил энергия манбалари асосида ишлайдиган автоматлашган замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш;

(б) Кооператив томонидан камида 21 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

(в) ажратилган сув ресурсларини белгиланган сув олиш лимитлари доирасида ҳар бир истеъмолчига етказиб бериш ҳамда ирригация тизими ва фермерлараро суғориш тармоқларини техник соз ҳолда сақлаш;

(г) ҳар бир истеъмолчи томонидан фойдаланилган сув ҳажми тўғрисидаги тегишли маълумотларни сув хўжалиги ҳамда солиқ органларига тақдим қилиб бориш;

(д) реал вақт режимида сув истеъмолини шаффоф кузатиш имконини берувчи «Вазиятлар маркази» ахборот тизимини яратиш ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг маълумотлар базасига интеграция қилиш;

(ж) сув истеъмолчиларига сувни етказиб бериш хизматлари бўйича тўлов миқдорини Кооператив аъзоларининг умумий йиғилиш қарорига мувофиқ белгилаш ва бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш.

16. Қўйидагилар Кооперативни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

(а) сув истеъмолчиларига кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун тўловлардан тушадиган маблағлар;

(б) 2026-2027 йилларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг «Дўстлик тумани сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасасига тушиши белгиланган қисми;

(в) Кооператив ва сув истеъмолчилари ўртасида сув етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар шартларини бузганлик учун ундириладиган жарималарнинг Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармасига йўналтириладиган қисмининг 40 фоизи;

(г) халқаро молия институтларининг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар.

17. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш регламенти ҳамда тегишли ҳужжатлар (концепция, лойиҳани баҳолаш ҳужжати, молиявий модель, битим) намуналарини тасдиқласин ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

#### **IV. Молиявий ресурслар ва имтиёзлар**

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

(а) Сув етказиб бериш хизматларига маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдори ҳудудлар кесимида ҳар йили меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида мутаносиб равишда индексация қилиб борилишини таъминласин;

(б) бир ой муддатда Сув етказиб бериш хизматларига 2025 йил учун маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларни индексацияни ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб, ажратилмасдан қолган қисми ажратилишини таъминласин.

**V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат**

22. Сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2026 йил якунига қадар Тажриба-синов лойиҳасини республиканинг бошқа худудларида жорий этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

23. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев, сув хўжалиги вазири Ш. Хамраев — белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришилишини ҳар ойда муҳокама қилиб, тизимли назорат ўрнатишга;

(б) Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари М. Абдуллаев — Сув етказиб бериш хизматларининг фаолияти самарадорлигини, шу жумладан, моддий-техник ресурслардан мустақил фойдаланишини таъминлашга;

(в) иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосарлари А. Хайдаров, С. Садуллаев — молиявий масалалар билан боғлиқ белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишига;

(г) сув хўжалиги вазири Ш. Хамраев, иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари И. Умрзаков — сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга беришда белгиланган кўрсаткичларга эришиш ҳамда бу борада самарадорликни таъминлашга.

24. Сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

26. Қарор ижроси бўйича масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Т.Н. Бутунбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 14 октябрь,  
ПҚ–302-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2025 йил 14 октябрдаги  
ПҚ–302-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги «Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга сув етказиб бериш хизматлари учун тўловларни бекор қилиш (2028 йил 1 январдан бошлаб Дўстлик туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бундан мустасно).

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги 79-сон қарори билан тасдиқланган «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасалари тўғрисидаги низомда:

(а) 20-банддаги «25» рақами «50» рақами билан алмаштирилсин;

(б) 21-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«кўп йиллик меҳнати учун 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳар ойлик лавозим маошига устамалар (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

1 йилдан 5 йилгача — 0,2;

5 йилдан 10 йилгача — 0,3;

10 йилдан 20 йилгача — 0,4;

20 йилдан ортиқ — 0,6»;

(в) 24-банддаги «50» рақами «100» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**632** Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Заргарлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмаклашиш ҳамда аҳолининг юқори сифатли маҳаллий заргарлик буюмларига бўлган талабини қондириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги ПҚ–452-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ қимматбаҳо металлларни биржа савдолари ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотишда бериладиган чегирмаларнинг амал қилиш муддати 2029 йил 1 февралга қадар узайтирилсин.

2. Белгилансинки, 2026 йил 1 февралдан бошлаб ушбу қарорнинг 1-бандида назарда тутилган чегирмалардан фойдаланадиган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларининг рўйхатини шакллантиришда қуйидаги қўшимча мезонлар инобатга олинади:

(а) яратилган янги иш ўринларига ишга қабул қилинган заргарлар (МХСК — 08 бўйича коди — 7313) билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузилгани ва уларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт бараваридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи ҳисоблангани ҳамда ушбу ҳолат солиқ органлари томонидан тасдиқлангани;

(б) заргарлик марказларида камида бир ой давомида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъекти бўлиши.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда биржа савдолари ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида олтин сотиш ҳажмларини ошириш чораларини кўрсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 15 октябрь,  
ПҚ–303-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 15 октябрда эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**633** Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очиқликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 26 сентябрдаги ПФ–149-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очиқликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 26 сентябрдаги ПФ–149-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази негизида амалдаги штат бирликларини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) мақоми, тизими, асосий вазифалари ва функциялари;

Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги;

Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳамда жавобгарлиги;

Агентлик фаолиятини ташкил этиш, унинг республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 17 октябрда эълон қилинган.

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш, ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги бир ой муддатда Агентликни Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва телефон алоқаси хизматлари, шу жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бўлинмаларини ҳудудлардаги Давлат активларини бошқариш агентлигига тегишли бўш турган маъмурий биноларга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 16 октябрь,  
648-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 16 октябрдаги 648-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги  
Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни  
ривожлантириш агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, унинг раҳбарлари функционал мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Агентлик чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона меъёрлар ва стандартларни ишлаб чиқишда, синовдан ўтказишда ва амалиётга татбиқ этишда, ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштиришда ҳамда чиқиндиларни бошқариш соҳасига тааллуқли давлат мулкани бошқаришда масъул давлат органи ҳисобланади.

3. Агентлик бевосита Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига (кейинги ўринларда — Вазирлик) бўйсунди ва ўз фаолияти юзасидан ҳисобот бериб боради.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг буйруқларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Агентлик ўз фаолиятини республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

6. Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири тўширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасининг тегишли бўлинмаларида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги;

қисқартирилган номи — Чиқиндиларни бошқариш агентлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Агентство по управлению отходами и развитию циркулярной экономики при Министерстве экологии, охраны окружающей среды и изменения климата;

қисқартирилган номи — Агентство по управлению отходами;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Waste management and circular economy development agency under the Ministry of ecology, environmental protection and climate change of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи — Waste management agency.

8. Агентликнинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор шоҳкўчаси 7а-уй.

## **2-боб. Агентликнинг тузилмаси**

9. Агентликнинг тузилмасига қуйидагилар киради:

Агентликнинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармалари;

«Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси» давлат муассасаси;

«Тоза ҳудуд» давлат муассасалари;

«Махсустрас» давлат муассасаси;

«Мароқанд обод» давлат муассасаси.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармалари, «Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси» давлат муассасаси, «Тоза ҳудуд» давлат муассасалари, «Махсустрас» давлат муассасаси ҳамда «Мароқанд обод» давлат муассасаси бевосита Агентликка бўйсунди.

## **3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

11. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона меъёрлар, нормативлар ва стандартларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва амалиётга татбиқ этиш;

чиқиндиларни бошқариш соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш;

чиқиндиларни бошқариш соҳасида қонунчилик ҳужжатларини такомил-

лаштириш, республика дастурлари ва ҳудудий дастурлар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

чиқиндилар ҳосил бўлишининг нормативларини белгилашда ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш объектларини ташкил этишда иштирок этиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юри-тишнинг ягона электрон тизими узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

республикада маиший, қурилиш, суюқ, заҳарли-кимёвий, тиббиёт ва электрон чиқиндиларни бошқариш соҳасини такомиллаштириш, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва утилизация қилишнинг замонавий усулларини татбиқ қилиш ҳамда «нол чиқинди» тамойилини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

республикада чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш натижасида энергия ресурслари, хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини ташкил этиш;

чиқиндиларни тўплаш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш, ёқиш, утилизация қилиш ва уларни йўқ қилиш бўйича чиқинди полигонлари ҳуду-дида экосаноат зоналарини ташкил этиш чораларини кўриш;

чиқиндиларни бошқариш соҳасига халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредит, грант, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестиция маблағларини жалб қилиш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш, уларни қайта юклаш станцияси, чиқиндиларни ёқиш ёки қайта ишлаш заводи ёхуд экосаноат зонасига топшириш, жойлаштириш хизматлари учун ишлаб чиқилган тарифларнинг асослантилганини ўрганиш;

чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик битимларини амалга оширишда иштирок этиш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича санитар тозалаш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиш, улар фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда улар фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда баҳолаб бориш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасини рақамлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

12. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона меъёрлар, нормативлар ва стандартларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида:

чиқиндиларни йиғиш, ташиш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта

ишлаш, утилизация қилиш, йўқ қилиш бўйича ягона меъёрлар, нормативлар, ва стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирликка киритади;

ривожланган давлатлар тажрибаси асосида чиқиндиларни бошқариш соҳасида ишлаб чиқилган ягона меъёр, норматив ва стандартларни тегишли давлат органлари билан биргаликда синовдан ўтказишни ташкил этади;

чиқиндиларни йиғиш, ташиш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва йўқ қилиш бўйича синовдан муваффақиятли ўтган ягона меъёр, норматив ва стандартларни шу соҳада фаолият юритувчи корхоналарда амалиётга жорий этишга кўмаклашади;

2) чиқиндиларни бошқариш соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш борасида:

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштиради;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотлари ва санитар тозалаш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш соҳасида уларга соҳавий ва услубий раҳбарлик қилиш ҳамда санитар тозалаш корхоналарига чиқинди соҳасини бошқариш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда бажариши лозим бўлган кўрсатмалар беради;

қаттиқ маиший, қурилиш, суюқ маиший, тиббиёт, саноат, хавфли ва заҳарли чиқиндиларни бошқариш ишларини ташкил этади;

вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, санитар тозалаш корхоналаридан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни сўраб олади, уларни умумлаштиради ва таҳлил қилади;

соҳада юзага келган муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича тегишли вазирлик, идоралар ва ҳокимликларга таклифлар киритади;

санитар тозалаш корхоналари фаолиятида соҳага оид қонунчиликка риоя этилишини мониторинг қилиб боради, аниқланган қонунчилик бузилиши юзасидан чоралар кўриш бўйича тегишли идораларга таклифлар киритади;

қонунчиликда белгиланган тартибда чиқиндиларнинг ҳисобини юритади;

санитар тозалаш корхоналарининг техникаларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳисобидан хизматлар сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

республикадаги мавжуд чиқинди полигонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

чиқинди полигонлари ҳудудида замонавий технологияларни жорий этган ҳолда чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш, утилизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда лойиҳаларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

чиқинди полигонлари ҳудудида чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш, утилизация қилиш хизматлари кўрсатишни тадбиркорлик субъектларига беришда тендер танловларини ташкил этади;

санитар тозалаш корхоналари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўлами бўйича шикоятларни қабул қилиш ҳамда аҳоли ва санитар тозалаш корхоналари билан қайта алоқа қилиш учун Колл-марказ фаолиятини ташкил этади ҳамда доимий фаолият юритишини таъминлайди;

3) чиқиндиларни бошқариш соҳасида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, республика дастурлари ва ҳудудий дастурлар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш борасида:

соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, республика дастурлари ва ҳудудий дастурлар бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартибини ишлаб чиқади ҳамда такомиллаштириб боради;

республиканинг иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда аҳоли турар жойларини қаттиқ маиший чиқиндилардан тозалаш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини таҳлил қилади;

4) чиқиндилар ҳосил бўлишининг нормативларини белгилашда ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш объектларини ташкил этишда иштирок этиш борасида:

чиқиндилар ҳосил бўлишининг нормативларини белгилаш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш объектларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқишда иштирок этади;

қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўпланиш меъёрини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашни ташкил этади;

чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини белгилашда иштирок этади;

ваколатли давлат органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига чиқиндилар ҳосил бўлишининг нормативларини белгилаш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш объектларини ташкил этиш бўйича таклифларни киритади;

чиқиндилар кўмиб ташланадиган ва утилизация қилинадиган жойларнинг давлат кадастрини юритишда иштирок этади;

5) қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими узлуксиз фаолиятини таъминлаш борасида:

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимини бошқаради ва унинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлайди;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича (маиший чиқиндиларни полигонга жойлаштиришни инobatга олган ҳолда) жисмоний ва юридик шахслар билан шартнома тузилишини ташкил этади ҳамда шартнома шартлари бажарилишини назорат қилади;

чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловларни ундиришда электрон тўлов тизимларидан фойдаланишни ташкил этади;

санитар тозалаш корхоналари, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўловчиларнинг ҳаққоний ҳисоби юритилиши, шунингдек, ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида улар тўғрисидаги маълумотларнинг шакллантирилишини мониторинг қилади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўловчилардан келиб тушадиган пул маблағлари ҳисобини юритади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўловчиларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради, мониторингини юритади ва таҳлил қилади ҳамда қарздорликларни бартараф этиш чораларини кўради;

б) республикада маиший, қурилиш, суюқ, заҳарли-кимёвий, тиббиёт ва электрон чиқиндиларни бошқариш соҳасини такомиллаштириш, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва утилизация қилишнинг замонавий усулларини татбиқ қилиш ҳамда «нол чиқинди» тамойилини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасида:

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш, қайта ишлаш ва утилизация қилишнинг замонавий усулларини татбиқ қилиш ҳамда лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

санитар тозалаш корхоналари томонидан ресурс қимматига эга ва утилизация қилиниши лозим бўлган чиқиндиларнинг лозим даражада сақланишини таъминлайди ҳамда уларнинг йўқ қилиниши ва бузилишига йўл қўймаслик чораларини кўради;

ўзининг мулки бўлган чиқиндиларнинг утилизация қилинишига доир замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқиндиларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслик бўйича тегишли таклиф ва қўлланмаларни ишлаб чиқади;

маиший, қурилиш, суюқ, заҳарли-кимёвий, тиббиёт ва электрон чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибаларини ўрганган ҳолда «нол чиқинди» тамойилини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

санитар тозалаш корхоналарининг фаолияти самарадорлигини мониторинг ва таҳлил қилиш натижасида рейтинг тизими асосида баҳолашни ташкил этади;

7) республикада чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш натижасида энергия ресурслари, хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини ташкил этиш соҳасида:

чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш натижасида энергия ресурслари, хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ва дастур лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ривожланган давлатлар тажрибаси асосида чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш, термик усулда ёқиш натижасида энергия ресурслари (электр ва иссиқлик энергиялари), хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш натижасида энергия ресурслари, хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлик ҳолати бўйича санитар тозалаш корхоналарини рағбатлантириш чораларини кўради;

8) чиқиндиларни тўплаш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш, ёқиш, утилизация қилиш ва уларни йўқ қилиш бўйича чиқинди полигонлари ҳудудида экосаноат зоналарини ташкил этиш чораларини кўриш борасида:

чиқинди полигонлари ҳудудидан самарали фойдаланиш, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш мақсадида тўплаш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш, ёқиш, утилизация қилиш ва уларни йўқ қилиш бўйича экосаноат зоналарини ташкил этиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади;

экосаноат зоналари фаолиятини ташкил этиш, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш механизмлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

экосаноат зоналари фаолиятини мониторинг қилиш, уларни такомиллаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради;

чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини тасарруф этади, чиқиндининг қайта юклаш станциясидан экосаноат зонасига етказиб берилишини ташкил этади, фаолияти тўхтатилган чиқинди полигонларини рекультивация қилиш тадбирларини амалга оширади;

санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқиндиларни қайта ишлаш ва (ёки) ёқиш (термик ишлов бериш) заводлари учун талаб этиладиган ҳажмдаги чиқиндилар етказиб берилишини ташкил этади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида қисқартириладиган углерод бирликлари савдосини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади;

9) чиқиндиларни бошқариш соҳасига халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредит, грант, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестиция маблағларини жалб қилиш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш борасида:

хорижий давлатлар, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва халқаро ташки-

лотлар билан халқаро алоқаларни ривожлантириш ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш чораларини кўради;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредит, грант, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестиция маблағларини жалб қилиш бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқади;

чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқади ҳамда хорижий грант, кредит ва инвестиция маблағларини жалб қилиш чораларини кўради;

10) маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш, уларни қайта юклаш станцияси, чиқиндиларни ёқиш ёки қайта ишлаш заводи ёхуд экосаноат зонасига топшириш, жойлаштириш хизматлари учун ишлаб чиқилган тарифларнинг асослантирилганини ўрганиш борасида:

санитар тозалаш корхоналари томонидан тақдим қилинган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ва уларни жойлаштириш хизматлари учун ишлаб чиқилган тарифлар бўйича ҳисоб-китобларнинг асослантирилганини ўрганади;

санитар тозалаш корхоналари томонидан тақдим қилинган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ва уларни жойлаштириш хизматлари учун ишлаб чиқилган тарифлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий органларига келишиш учун киритади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳудудий органлари ҳулосаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритади;

санитар тозалаш корхоналари томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари белгиланган график ва муддатларга мувофиқ кўрсатилиши ҳамда ҳақиқатда амалга оширилганини чиқиндиларни ташиш билан шуғулланувчи барча махсус техникаларга ўрнатилган онлайн кузатув (GPS) тизими орқали аниқлаб боради;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ишлаб чиқилган тарифларнинг ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими орқали маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, саралаш, қайта ишлаш, ёқиш, утилизация қилиш тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг асослантирилганини ўрганиб боради;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими маълумотлари асосида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича санитар тозалаш корхоналари (операторлар) томонидан амалга ошириладиган хизматлар учун чиқинди полигонларига, чиқиндиларни қайта юклаш станцияларига ёки чиқиндиларни ёқиш заводлари ёхуд экосаноат зоналарига топширилган қаттиқ маиший

чиқинди миқдорини инobatга олган ҳолда, ҳақ тўлашнинг алоҳида тартибини мувофиқлаштириб боради;

11) чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик битимларини амалга оширишда иштирок этиш борасида:

чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этади;

хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид давлат-хусусий шериклик битим ва шартномалари мажбуриятларининг бажарилишини мониторинг ва назорат қилади;

соҳада амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг маълумотлар базасини шакллантириш, уларни таҳлил қилиш ва мавжуд муаммолар, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга оид давлат-хусусий шериклик битимига ва маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича тузилган шартномага мувофиқ кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолайди;

12) қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича санитар тозалаш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиш, улар фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда улар фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда баҳолаб бориш борасида:

санитар тозалаш корхоналари фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларини ҳар ой якуни бўйича баҳолаб боради;

фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари ижобий баҳоланган санитар тозалаш корхоналарини белгиланган тартибда рағбатлантириш чораларини кўради;

фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичлари салбий баҳоланган санитар тозалаш корхоналарига методологик ва малакавий ёрдам кўрсатиб боради;

13) чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасини рақамлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида:

чиқиндилар билан боғлиқ хизматларни тадбиркорлик субъектларига бериш юзасидан ўтказиладиган тендер жараёнларини онлайн кузатиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқинди тўплаш шохобчалари ва чиқинди ташиш учун мўлжалланган махсус техникаларга видеокузатув камераларини ўрнатишни ташкил этади;

чиқинди ташишга мўлжалланган махсус техникаларга санитар тозалаш корхоналарининг маблағлари ҳисобидан онлайн кузатув (GPS) тизимини жорий этиш чораларини кўради;

чиқинди ташишга мўлжалланган махсус техникаларга ўрнатилган онлайн кузатиш тизимларини ягона мониторинг тизимига улаш орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини мониторинг ва назорат қилади;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасини рақамлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **4-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

13. Агентлик ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентлик мажлисларида Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари раҳбар ходимларининг чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш фаолиятига оид ахборотини (маърузаларини) кўриб чиқиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўладиган маълумотларни белгиланган тартибда сўраб олиш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, қўшма дастурларни амалга оширишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Экология жамғармаси (кейинги ўринларда — Экология жамғармаси) ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан халқаро ва хорижий ташкилотларнинг консультант ва экспертларини белгиланган тартибда жалб қилиш;

Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан халқаро эътироф этилган рейтинг ташкилотлари билан чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шартномалар тузиш;

чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш тизимини молиялаштиришга зарур сарф-харажатлар бўйича таклифларни шакллантириш, шунингдек, заруратга кўра, хорижий кредитлар, грантлар ва бошқа маблағларни жалб қилиш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган буйруқларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш;

Агентликда чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун

етакчи олимлар, юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, турли идоралар вакилларида иборат таркибда ҳақ тўланмайдиган илмий-методик ва жамоатчилик кенгашларини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўرғазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тадбирларда иштирок этиш;

чиқиндиларни бошқариш соҳасида мукофотлар ва фахрий ёрлиқлар, кўкрак нишонларини таъсис этиш, улар билан соҳадаги илғор ходимларни мукофотлаш бўйича белгиланган тартибда таклиф киритиш;

Агентлик ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларига тегишли давлат кўчмас мулкани ўз тузилмасидаги бир ташкилотдан бошқа бирига Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Вазирлик билан келишган ҳолда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказиш;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, санитар тозалаш корхоналари фаолиятини белгиланган тартибда, ваколат доирасида ўрганиш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Агентлик фаолиятини кенг ёритиш мақсадида расмий веб-сайтлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларда саҳифалар яратиш;

чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб ва истиқболли муаммолар ечими юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

республикада чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида санитар тозалаш корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари, шунингдек, ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан махсус техника, контейнер, саралаш, қайта ишлаш ускуналари ва бошқа мол-мулкларни лизинг шартлари асосида етказиб бериш ҳамда лизинг хизматларини кўрсатиш;

Агентлик қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 14. Агентлик:

Агентликка юкланган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини ташкил этиш;

Агентликнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Агентлик томонидан қабул қилинадиган буйруқлар амалга оширилишининг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш, соҳада ҳудудлар муаммоларини ҳал қилиш бўйича дастурларни, ҳаракат

режаларини, «йўл хариталари» ва бошқа ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

Агентлик маблағларидан оқилона фойдаланилиши;

ўз ваколати доирасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳамда уларга риоя этилиши таъминланиши учун жавоб беради.

### **5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

15. Қуйидагилар Агентлик директорнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

Агентликнинг фаолиятини умумий бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Агентликка юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича танқидий ва чуқур таҳлилларни ўтказиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси котибиятлари, шунингдек, Агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида тегишли масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари (маслаҳатчиси) топшириқларини бажариш;

ўз ўринбосари ва Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, уларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

Агентликнинг фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини қилиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича қарорларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар,

тизим ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ходимлари, ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари ходимларининг тизимли равишда малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик ходимлари, ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитларни яратиш, кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Агентликка ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионалиги, ўз ишини билиши, амалий иш тажрибаси, юқори ишчанлик даражаси ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фаолият соҳасидаги масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш, уларнинг қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг Вазирлар Маҳкамасида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини қонунчилик талабларига мувофиқ равишда ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосари, таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда тизим ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш, Агентлик йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини тинглаш, муҳокама яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш бўйича Вазирликка таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимлари томонидан Агентлик одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари талаблари-

га мувофиқ Агентлик ходимлари, ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларни содир этишга имкон яратувчи омилларни аниқлаш, таҳлил қилиш, сабаб ва шароитларини бартараф этиш;

Агентлик ходимлари, ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш, шу жумладан, улар томонидан лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик чораларини кўриш;

Агентлик, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотлари ишини ташкил этишнинг илғор шакллари жорий этишни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини қонунчиликка мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг улар фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар ва конфиденциал ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этиш;

Агентлик марказий аппарати штат жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига киритиш;

Агентлик ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари низом (устав) ларини тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бўлинма раҳбарлари ва ўринбосарларини, тизим ташкилотлари раҳбар ва ўринбосарларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

чиқиндиларни бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини ташкил этиш, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотлари мансабдор шахслари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар қабул қилиш ва топши-

риқлар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини ўрнатилган тартибда назорат қилиш;

Агентлик марказий аппарати, унинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотларининг тасдиқланган тузилмалари ва штатлар жадвалига ходимларнинг чекланган сони ҳамда иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

чиқиндиларни бошқариш ҳамда циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бўйича халқаро ҳамда ҳукуматлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ҳамда грантларни жалб этиш бўйича халқаро тадбирларда иштирок этиш.

Агентлик директори қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Қуйидагилар Агентлик директори ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ҳамда чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш;

директор вақтинча бўлмаганда, директорнинг тегишли буйруғи асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш ҳамда шахсий жавобгарлигини белгилаш;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тақдим этиш;

Вазирлик ва идораларда бўлиб ўтадиган йиғилишларда ваколат доирасида иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари кўрсатмаларини сўзсиз бажариш;

Агентликнинг таркибий бўлинмалари фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, таркибий ва бўйсунувчи бўлинмалар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар ва конфиденциал ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этиш;

таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик директорига киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш чораларини кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Агентлик директорининг ўринбосари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

17. Агентлик директори:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишига;

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни сифатли ва ўз муддатида бажариш, шунингдек, Агентлик фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришга;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепцияларда белгиланган мақсад ва кўрсаткичларга эришишга;

Агентликда, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотларида ижро интизомига қатъий риоя қилинишини назорат қилишга масъулдир.

18. Агентлик директори ўринбосари:

Агентликнинг ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларида Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун;

Агентликнинг ушбу Низомда назарда тутилган мутасаддилик қилинадиган масалаларига доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

Ушбу Низомда кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

### **7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

#### **1-§. Агентлик раҳбарияти**

19. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

20. Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади.

21. Агентлик директори мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрса-

тиш шартлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига, Агентлик директори ўринбосари эса вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

22. Агентлик директори бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари Агентлик директорининг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

23. Агентлик марказий аппарати ходимлари, шунингдек, ҳудудий бўлинма раҳбарлари ва ўринбосарлари, тизим ташкилотлари раҳбарлари ва ўринбосарлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

24. Агентлик директори Агентлик фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Вазирликка ҳисобот беради.

## **2-§. Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги**

25. Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинма раҳбарлари ва тизим ташкилотлари қўйидаги масалалар бўйича узвий ҳамкорликни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлик раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг депутатлари сўровларининг ўз вақтида бажарилишини, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатларнинг белгиланган муддатларда кўриб чиқишини таъминлаш;

Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан чиқиндиларни бошқариш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда ўзаро алоқаларини таъминлаш;

ҳудудларда чиқиндиларни бошқариш ишларини тизимли мониторинг қилиб бориш, ҳудудларни чиқиндилар билан боғлиқ дастурлари доирасида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш ҳамда тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича таклифларни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш.

26. Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш жараёнида:

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларига топшириқларни етказиши ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади ва бу ҳақида Агентлик раҳбариятига ахборот беради;

Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг бевосита фаолиятига оид масалалар бўйича Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларига сўровномалар юборади, уларнинг ижросини назорат қилади;

мониторинг, ўрганишлар, зарурат туғилганда, ўз ваколати доирасида текширишлар ўтказиши, Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари фаолиятини умумлаштириши, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун киритади;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда натижалари ҳақидаги ҳисобот ва ахборот материаллари, статистик ҳамда бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил этади;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларидан келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқади;

чиқиндиларни бошқариш соҳасини ривожлантириш ва янги технологияларни жорий этишни назарда тутувчи дастур ҳамда тадбирларни сифатли ишлаб чиқишда Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари иштирокини ташкил этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари иштирокини ташкил этади, Агентлик фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича улардан келиб тушган таклифларни кўриб чиқади.

27. Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Агентлик топшириқларининг ижроси тўғрисида ахборот беради;

бириктирилган соҳадаги қонунчилик ижроси юзасидан фаолият натижалари тўғрисида Агентликнинг марказий аппаратида ахборот беради;

уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш, ўрганиш ва текшириш натижасида аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларини бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

соҳани ривожлантириш бўйича дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар киритади;

ўзининг иш натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда ва муддатларда Агентликнинг марказий аппаратида тақдим этади;

ваколатли органлар томонидан ўзининг фаолиятида ўтказилган текшириш натижалари тўғрисида Агентликни хабардор қилади.

28. Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик жараёнида келиб чиқадиган келишмовчиликлар Агентлик директорининг топшириғига кўра унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади.

Бунда муҳокамадан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаган тақдирда, улар бўйича якуний қарор Агентлик директори томонидан қабул қилинади.

### **3-§. Агентликнинг республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

29. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

30. Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари, ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

31. Агентлик фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмаси ҳамда Вазирлик томонидан таҳлил ва назорат қилинади.

### **8-боб. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

32. Вазирлик Агентлик раҳбарлари фаолиятини уларга юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши юзасидан доимий мониторинг қилади.

33. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

34. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳо Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда иш индикаторларига асосланади.

35. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

36. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

### **9-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш**

37. Қуйидагилар Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган жарималар ҳамда чиқиндилар жойлаштирилгани учун ундирилган компенсация тўловларининг Экология жамғармасига ўтказиладиган маблағлардан қолган қисми;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилган тўловларнинг санитар тозалаш корхоналари, чиқиндиларни қайта юклаш станциялари, чиқинди полигонлари, чиқиндиларни ёкиш ёки қайта ишлаш заводи ёхуд экосаноат зоналарига тўланган маблағлардан қолган қисми;

санитар тозалаш корхоналари фаолиятининг асосий самарадорлик кўр-

саткичларини баҳолаш натижалари бўйича қўлланган жарималардан тушадиган маблағлар;

Экология жамғармаси маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

38. Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларини моддий-техник таъминлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

39. Агентлик ходимларининг иш ҳақи қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган лавозим маоши, мукофотлар, устамалар, қўшимча ҳақ ва тўловлар, компенсация ва рағбатлантириш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда унинг тизим ташкилотлари ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар, мукофотлар, рағбатлантиришлар харажатлари Давлат бюджети харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда Экология жамғармаси маблағлари, Агентлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

40. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг лавозим маошига ойлик устамалар, мукофотлар, рағбатлантиришлар ва моддий ёрдам бериш билан боғлиқ тўловлар қуйидаги мақсад ва шаклларда амалга оширилади:

а) Агентлик ва ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қуйидаги устамалар тўланади:

ходимларнинг функционал вазифаларини бажариши, билим даражаси, касбий қобилиятларини инobatга олган ҳолда лавозим маошининг 250 фоизгача (ҳудудий бўлинмалар ходимлари лавозим маошининг 100 фоизгача) миқдорларда ходимларнинг ойлик лавозим маошларига (рағбатлантириш коэффициентини инobatга олган ҳолда) белгиланадиган устама;

илмий даражага эга бўлгани учун ойлик устамалари фан номзоди ёки тегишли фан йўналишлари бўйича фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc) учун — лавозим маошига нисбатан қонунчиликда белгиланган миқдорда устама;

б) ходимларнинг кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама (рағбатлантириш коэффициентини инobatга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда) қуйидаги миқдорларда тўланади:

1 йилдан 3 йилгача — 0,1;

3 йилдан 5 йилгача — 0,2;

5 йилдан 10 йилгача — 0,3;

10 йилдан 15 йилгача — 0,4;

15 йилдан 20 йилгача — 0,5;

20 йилдан ортиқ — 0,6;

в) хизмат автомобилига эга бўлмаган Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун йўлқира ҳақига ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида компенсация тўлови;

г) Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини ҳар ойда овқатланиш харажатларини қисман қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида компенсация тўлови;

д) Ўзбекистон Республикасида ишланмайдиган байрам кунлари ҳамда муҳим саналар муносабати билан Агентлик ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш бараваригача (ҳудудий бўлинмалар ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваригача) рағбатлантириш тўлови.

41. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда хизмат сафарига бўлиш давридаги кунлик яшаш, транспорт ва турар жой харажатлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

42. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўйидаги ҳолларда қўшимча тарзда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин:

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун санаторий-курорт, дам олиш уйларига йўлланмаларни харид қилишга;

алоҳида ҳолатлар (оила аъзосининг вафоти, ўзининг ёки фарзандининг никоҳ тўйи, юбилей саналари (50, 60, 70 ёшлар) муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн бараваригача (ҳудудий бўлинмалар ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг етти бараваригача) миқдорда моддий ёрдам бериш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш учун йилда бир марта меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг беш бараваригача (ҳудудий бўлинмалар ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг уч бараваригача) миқдорда моддий ёрдам бериш;

ходим оғир бетоб бўлган (бахтсиз ходиса, касаллик сабабли) ёки вафот этган ҳолларда, унинг ўртача ойлик иш ҳақининг беш бараваригача (ҳудудий бўлинмалар ходимларига ўртача ойлик иш ҳақининг уч бараваригача) бир марталик моддий ёрдам бериш.

43. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг лавозим машоғуларига шахсий устамалар ва рағбатлантиришлар миқдори:

Агентлик директори — Вазирлик томонидан;

Агентлик ходимлари ва унинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларига — Агентлик директори томонидан;

Агентлик ҳудудий бўлинмаларининг ходимларига — тегишли ҳудудий бўлинма бошлиқларининг буйруғига мувофиқ белгиланади.

44. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш харажатлари:

Агентлик ходимлари учун — Агентлик директорининг буйруғига мувофиқ;

Агентликнинг худудий бўлинмалари ходимлари учун — Агентликнинг худудий бўлинмалари бошлигининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

### 10-боб. Яқунловчи қоида

45. Агентлик қонунчиликда белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 16 октябрдаги 648-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жихатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидаларида:

51-банддаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг» сўзлари «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг «4-босқич» позицияси «Ташкилий тадбирлар» устунининг 1-бандидаги «Давлат экология қўмитаси» сўзлари «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарорида:

а) 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилган тўловлар ҳисобидан санитар тозалаш корхоналари, чиқиндиларни қайта юклаш станциялари, чиқинди полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари ҳамда экосаноат зоналарида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 11-иловага мувофиқ;»;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан бириктирилган туман (шаҳар) худудларида амалга оширилади.

Туман (шаҳар) ҳудудларини хизмат кўрсатувчи ташкилотларга бириктириб бериш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳудудий бўлинмалари билан хусусий шерик ўртасида тузиладиган маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш ҳақидаги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳудудлар давлат-хусусий шериклик тамойили асосида Агентлик томонидан ишлаб чиқилган аниқ концепция ҳамда тендер натижаларига кўра хизмат кўрсатувчи ташкилотларга бириктириб берилади»;

51-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш ҳақидаги шартнома (битим) томонлар келишуви ёки суд қарори асосида бекор қилинган, унинг амал қилиш муддати тугаган, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тўловга қобилиятсизлиги ёки фаолияти тўхтатилган ҳолларда, хизмат кўрсатувчи ташкилотга бириктириб берилган ҳудуд давлат-хусусий шериклик асосида бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотга бириктирилгунга қадар Агентликнинг таклифига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан вақтинча хизмат кўрсатиш шартномаси орқали хизмат кўрсатувчи хусусий ташкилотга ёки номуайян муддатга хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотига тўғридан-тўғри бириктириб берилишига йўл қўйилади. Бунда:»;

6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фаолияти давомида алоҳида кўчмас мулкдан фойдаланадиган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудудга бириктирилган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан ушбу Қоидаларнинг 21-бобида белгиланган тартибда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича шартнома тузади»;

7-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик)» сўзлари «Агентликнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

83-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14-банднинг учинчи хатбошисидаги «Давлат экология қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

15, 16 ва 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг даврийлиги

аҳоли яшаш пунктлари, шаҳарнинг санитария ҳолати таъминланишини ва касаллик пайдо қилувчи бактериялар ривожланишининг олдини олиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, жойлардаги иқлим шароитлардан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади, бунда белгиланган даврийлик қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлигидан ўтиб кетмаслиги лозим.

16. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар маъмурий марказларида, шаҳарлар ва шаҳарчалар, шунингдек, Тошкент шаҳрида чиқинди тўплаш шохобчаларидан — бир кунда бир маротаба ва яқка тартибдаги турар жой секторидан «сигнал» усулида — уч кунда бир маротабани;

республиканинг қолган ҳудудларида чиқинди тўплаш шохобчаларидан — икки кунда бир маротаба ва яқка тартибдаги турар жой секторидан «сигнал» усулида — бир ҳафтада бир маротабани ташкил қилади.

17. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан белгиланади, бунда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган даврийликдан ўтиб кетмаслиги лозим»;

22-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

23-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилган тўловлар ҳисобидан санитар тозалаш корхоналари, чиқиндиларни қайта юклаш станциялари, чиқинди полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари ҳамда экосаноат зоналарида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда;

электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳолидан ундирилган тўловларнинг 1 фоизи автоматик равишда «Худудий электр тармоқлари» АЖ банк ҳисобварағига йўналтирилади.

Қолган маблағлар Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилади»;

26-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат экология қўмитаси» сўзлари «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

39-банднинг биринчи хатбошисидаги «Марказнинг ҳудудий филиали» сўзлари «Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари» сўзлари «Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

45-банддаги «Давлат экология қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республи-

каси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

«1-босқич» позициясининг «Ташкилий тадбирлар» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ хусусий шерик аниқланган тақдирда, Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузадилар»;

«4-босқич» позициясининг «Ташкилий тадбирлар» устунининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Агентлик жамланган маблағларни:

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилган тўловлар ҳисобидан санитар тозалаш корхоналари, чиқиндиларни қайта юклаш станциялари, чиқинди полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари ҳамда экосаноат зоналарида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда;

электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланган ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳолидан ундирилган тўловларнинг 1 фоизи автоматик равишда «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ банк ҳисобварағига йўналтирилади.

Қолган маблағлар Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилади»;

в) қуйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>-илова билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарорига  
1<sub>1</sub>-ИЛОВА

**Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш  
бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар  
учун ундирилган тўловлар ҳисобидан санитар тозалаш  
корхоналари, чиқиндиларни қайта юклаш станциялари, чиқинди  
полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари ҳамда экосаноат  
зоналарида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига  
ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилган тўловлар ҳисобидан санитар тозалаш корхоналари, чиқиндиларни қайта юклаш станциялари, чиқинди полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари ҳамда экосаноат зоналарида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология, аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳар йили 1 ноябрга қадар қуйидаги хизматлар учун тарифлар ишлаб чиқади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг хулосаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритади:

1 тонна қаттиқ маиший чиқиндини юридик ва жисмоний шахслардан олиб чиқиб кетганлик ҳамда уни чиқиндиларни қайта юклаш станцияси, чиқинди полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари, экосаноат зоналарида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда — қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктлари) етказиб берганлик учун санитар тозалаш корхоналарига тўлов тарифи, сўмда (Ттариф);

1 тонна қаттиқ маиший чиқиндини қабул қилиб олганлик, қайта юклаганлик учун чиқиндиларни қайта юклаш станцияларига тўлов тарифи, сўмда (Тқик);

1 тонна қаттиқ маиший чиқиндини қабул қилиб олганлик, рекультивация қилганлик ва кўмганлик учун чиқинди полигонларига тўлов тарифи, сўмда (Тр);

қаттиқ маиший чиқиндини олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний шахслардан — 1 кишидан ундириладиган тўлов тарифи, сўмда (Т<sub>1</sub>);

1 тонна қаттиқ маиший чиқиндини олиб чиқиб кетганлик учун юридик шахслардан ундириладиган тўлов тарифи, сўмда (Т<sub>2</sub>).

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳар йили 1 ноябрдан 20 ноябрга қадар ушбу тўлов

тарифларини кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига киритади.

## **2-боб. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг ҳисобини юритиш тартиби**

4. Қаттиқ маиший чиқиндилар санитар тозалаш корхоналари томонидан махсус транспорт воситалари орқали қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш, саралаш ва утилизация қилиш учун қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига етказиб берилади.

5. Худудларда белгиланган тариф асосида қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига етказиб бериш, қабул қилиш, саралаш, утилизация қилиш хизматларини кўрсатиш бўйича санитар тозалаш корхоналари, қабул қилиш пунктлари ва Агентлик ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

6. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига кириш вақтида махсус транспорт воситасининг умумий (брутто) вазни, чиқиш пайтида эса бўшатиладиган кейинги (нетто) вазни қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда — ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими) уланган автоматлаштирилган тарозилар орқали аниқланади.

Бунда:

махсус транспорт воситасининг умумий (брутто) ва бўшатиладиган кейинги (нетто) вазни ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб, етказиб берилган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг миқдори аниқланади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб берган транспорт воситаси кузовининг техник кўрсаткичлари инобатга олинади.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб беришда уларнинг ҳажмини сунъий равишда ошириш ҳолати аниқланган тақдирда, ушбу ҳолат юзасидан шу куннинг ўзида санитар тозалаш корхонаси вакили (ҳайдовчи) ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пункти вакиллари иштирокида ҳақиқатда топширилган қаттиқ маиший чиқинди миқдори бўйича мазкур Низомга иловага мувофиқ шаклда икки нусхада далолатнома (кейинги ўринларда — далолатнома) расмийлаштирилади.

Далолатнома юзасидан санитар тозалаш корхонаси вакилининг эътирозлари мавжуд бўлганда, улар далолатномада қайд этилади.

7. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларида ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими орқали қуйидаги маълумотлар автоматик тарзда аниқланади:

қаттиқ маиший чиқиндилар қабул қилинган сана (вақт);

санитар тозалаш корхонасининг номи, СТИР;

транспорт воситасининг давлат рақами ва русуми;

қабул қилинган қаттиқ маиший чиқиндининг миқдори (брутто-нетто фарқи);

қаттиқ маиший чиқиндининг ҳақиқий миқдори ҳақидаги маълумотлар.

Санитар тозалаш корхонаси томонидан қаттиқ маиший чиқиндилар ёлланма транспорт воситасида олиб келинган тақдирда, ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида бу ҳақида қайд этилади.

### **3-боб. Санитар тозалаш корхоналари, қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига ҳақ тўлаш тартиби**

8. Ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимидаги маълумотлар асосида етказиб берилган қаттиқ маиший чиқиндилар бўйича электрон ҳисобварақ-фактура автоматик тарзда шакллантирилади.

9. Чиқиндиларни қайта юклаш станциялари томонидан қабул қилинган қаттиқ маиший чиқиндилар саралангандан сўнг иккиламчи хом ашё сифатида ишлатилмайдиган қисми чиқиндиларни ёқиш заводи, экосаноат зонасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ёки чиқинди полигонига топширилади.

Чиқиндиларни қайта юклаш станциялари томонидан топширилган қаттиқ маиший чиқиндилар бўйича ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими орқали икки томонлама ҳисобварақ-фактура шакллантирилади ва бунда тўловчи қайта юклаш станциялари ҳисобланади.

10. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, қайта юклаш ва утилизация қилиш, кўмиш, рекултивация қилиш тўлов эвазига амалга оширилади. Тўловлар Агентлик томонидан ҳисобга олишнинг ягона электрон тизими орқали тақдим этилган ҳисобварақ-фактура асосида санитар тозалаш корхоналарига ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига тўлаб берилади.

Бунда тўловлар қуйидаги формулалар асосида ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида автоматик ҳисобланади:

#### **1) $H = T_{\text{тариф}} \times M_f \times k$**

бунда  $H$  — қаттиқ маиший чиқиндини юридик ва жисмоний шахслардан олиб чиқиб кетиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига топширганлик учун санитар тозалаш корхоналарига тўлов миқдори, сўм;

$T_{\text{тариф}}$  — 1 тонна қаттиқ маиший чиқиндини юридик ва жисмоний шахслардан олиб чиқиб кетиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига топширганлик учун санитар тозалаш корхоналарига тўлов тарифи, сўм;

$M_f$  — қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктларига топширилган қаттиқ маиший чиқинди оғирлиги, тонна;

$k$  — коэффициент ( $k_1=1,02$  — «яшил»;  $k_2=0,95$  — «сарик»;  $k_3=0,85$  — «қизил»).

Бунда ушбу коэффициент санитар тозалаш корхоналарини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очиқликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 26 сентябрдаги ПФ-149-сон Фармонида 1-иловага мувофиқ «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифаларга ажратган ҳолда қўлланади;

**2)  $H_{\text{qik}} = T_{\text{qik}} \times M_f$** 

бунда  $H_{\text{qik}}$  — қаттиқ маиший чиқиндини қабул қилиб олганлик учун чиқиндини қайта юклаш станцияларига тўлов миқдори, сўм;

$T_{\text{qik}}$  — 1 тонна қаттиқ маиший чиқиндини қабул қилиб олганлик учун чиқиндини қайта юклаш станцияларига тўлов тарифи, сўм;

$M_f$  — қабул қилинган қаттиқ маиший чиқинди оғирлиги, тонна;

**3)  $H_p = T_p \times M_f$** 

бунда  $H_p$  — чиқинди полигонларига топширилган қаттиқ маиший чиқиндилар учун тўлов миқдори, сўм;

$T_p$  — 1 тонна қаттиқ маиший чиқиндини қабул қилиб олганлик, рекултивация қилганлик ва кўмганлик учун қаттиқ маиший чиқинди полигонларига тўлов тарифи, сўм;

$M_f$  — қабул қилинган қаттиқ маиший чиқинди оғирлиги, тонна.

11. Чиқиндиларни ёқиш заводларига ҳақ тўлаш ҳисоби улар билан Агентлик ўртасида тузилган чиқиндиларни етказиб бериш бўйича шартномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Экосаноат зоналарида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига ҳақ тўлаш ушбу банднинг 2-кичик бандида белгиланган формула асосида ҳисобга олишнинг ягона электрон тизимида автоматик ҳисобланади (экосаноат зоналарида фаолият кўрсатувчи чиқиндиларни ёқиш заводлари бундан мустасно).

13. Санитар тозалаш корхонаси ва қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг узлуксизлиги ҳамда уларнинг молиявий ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида хизмат ҳақлари ой давомида кунлик, ҳафталик ва ўн кунлик тўлаб берилди, шунингдек, ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар якуний ҳисоб-китоб қилинади.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

14. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб  
чиқиб кетиш бўйича жисмоний ва юридик  
шахсларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилган  
тўловлар ҳисобидан санитар тозалаш корхоналари,  
чиқиндиларни қайта юклаш станциялари, чиқинди  
полигонлари, чиқиндиларни ёқиш заводлари ҳамда  
экосаноат зоналарида фаолият юритувчи тадбиркор-  
лик субъектларига ҳақ тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

НАМУНА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Қаттиқ маиший чиқиндиларни  
қабул қилиш пункти раҳбари

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
(сана, ой)

**Ҳақиқатда топширилган қаттиқ маиший чиқинди  
миқдори бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)

Ушбу далолатнома қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пункти  
вакиллари \_\_\_\_\_,

(лавозими, Ф.И.О.)

санитар тозалаш корхонаси вакили \_\_\_\_\_

(лавозими, Ф.И.О.)

иштирокида тузилди.

Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш жараёнида қуйидагилар  
аниқланди:

1. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пункти: \_\_\_\_\_.
2. Махсус транспорт воситасининг брутто вазни: \_\_\_\_\_.
3. Махсус транспорт воситасининг нетто вазни: \_\_\_\_\_.
4. Қабул қилинган қаттиқ маиший чиқиндининг миқдори (брутто-нетто  
фарқи): \_\_\_\_\_.
5. Чегирма миқдори: \_\_\_\_\_.
6. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш жараёнида аниқланган  
бошқа ҳолатлар: \_\_\_\_\_

*Далолатнома юзасидан таклиф ва эътирозлар беш иш куни ичида  
қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пунктлари томонидан қа-  
бул қилинади ва кўриб чиқилади.*

Қаттиқ маиший чиқиндиларни қабул қилиш пункти вакиллари:

\_\_\_\_\_ (лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

Санитар тозалаш корхонаси вакили:

\_\_\_\_\_ (лавозими, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

»;

г) 2-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги тизимидаги «Мароқанд Обод» давлат муассасаси, «Махсустрас» давлат муассасаси, «Тоза ҳудуд» давлат муассасалари ва уларнинг туман (шаҳар) филиаллари (кейинги ўринларда — санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари) ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди»;

18-банддаги «100 фоизигача» сўзлари «200 фоизигача» сўзлари билан алмаштирилсин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 декабрдаги 722-сон қарори билан тасдиқланган Нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари рўйхатининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш, қайта юклаш, уларни чиқинди полигонларига жойлаштириш ва чиқиндиларни экосаноат зоналарига етказиб бериш ҳамда утилизация қилиш хизматлари».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 16 октябрдаги 648-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Санитария жиҳатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарорига 3-илованинг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарорига 3-илованинг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Санитар тозалаш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаланикни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2022 йил 4 ноябрдаги 646-сон қарорига илованинг 1-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2023 йил 21 июлдаги 304-сон қарорига илованинг 24-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2024 йил 15 майдаги 282-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**634** Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2024 йил 3 июндаги ПҚ–204-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси соҳасида ҳуқуқбузарлик хавфини автоматик тарзда инсон омилисиз таҳлил қилиш;

ҳуқуқбузарлик хавфи мезонлари асосида таҳлил қилиш ва натижаси бўйича балли тизим орқали ҳуқуқбузарлик хавфи даражасини баҳолаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 17 октябрь,  
650-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 17 октябрдаги 650-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш босқичларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**алкоголь маҳсулотлари** — озиқ-овқат хомашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши бир ярим фоиздан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

**ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қошидаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси;

**истеъмол этил спирти** — этил спиртининг улуши 96,0 фоиздан кам бўлмаган, ҳар хил турдаги дон, қанд лавлагиси, хом шакар, меласса ҳамда таркибида шакар ва крахмал мавжуд бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлган озиқ-овқат хомашёсидан (мева-резаворлардан ташқари) табиий бижғитиш жараёнида олинган ачитқини ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлган озиқ-овқат хомашёсидан этил спирти ишлаб чиқариш жараёнида олинган хом этил спирти ҳамда этил спиртининг бош фракциясини ректификация қилиш йўли билан ишлаб чиқариладиган ректификатланган этил спирти;

**тадбиркорлик субъекти** — қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда лицензия ёки хабардор қилиш тартиб-таомили асосида истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан шуғулланувчи, шунингдек, ушбу маҳсулотларнинг Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик ва жисмоний шахслар;

**тамаки маҳсулоти** — таркибида хомашё сифатида тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлган маҳсулот.

Қуйидагилар тамаки маҳсулотлари жумласига киради:

чекиладиган маҳсулотлар (папирослар, сигаралар, сигареталар, сигариллалар (сигариталар), қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чилим учун тамаки, ингичка қирқилган, чекиладиган тамаки, трубка учун тамаки) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (носвой, тамакили снюс, ҳидланадиган тамаки, чайналадиган тамаки) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида никотин ёки никотиннинг ҳосилалари, шу жумладан, никотин тузлари, эритмалари, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотинли геллар мавжуд бўлган, лекин тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмлари мавжуд бўлмаган маҳсулот. Чекиладиган маҳсулотлар (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинли суюқликлар, никотин суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинли аралашмалар) ва чекилмайдиган маҳсулотлар (никотинли снюс) шундай маҳсулот бўлиши мумкин;

таркибида тамаки ва никотин мавжуд бўлмаган, лекин тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари билан бирга фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулот (никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари учун никотинсиз суюқликлар, никотинсиз суюқлиги бўлган электрон сигареталар, чилим учун никотинсиз қоришмалар);

**хавфни таҳлил этиш тизими** — хавф мезонлари асосида тадбиркорлик субъекти томонидан истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишда қонунчилик талабларининг бузилиш хавфи даражасини аниқлаш тизими;

**хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган тизими** (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) — истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш соҳасидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи, ҳуқуқбузарлик хавфини автоматик тарзда инсон омилсиз таҳлил қилишни таъминловчи электрон ахборот тизими;

**шахсий кабинет** — ваколатли давлат органининг ахборот базаси орқали давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатларини электрон шаклда амалга оширишни таъминлайдиган ахборот ресурси.

4. Ахборот тизими ваколатли давлат органи ахборот базасининг ажралмас қисми бўлиб, истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси ҳажмини ҳисобга олиш ахборот тизими ҳамда истеъмол ва техник этил спиртини ташувчи автотранспорт воситалари ҳаракатини марказлаштирилган тарзда мониторинг ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган геоахборот тизими билан ўзаро интеграциялашган ҳолда фаолият кўрсатади.

## **2-боб. Хавфни таҳлил этиш тизимини ташкил этиш**

5. Хавфни таҳлил этиш мақсадида Ахборот тизимида қуйидаги маълумотлар шакллантирилади:

истеъмол ва техник этил спиртини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган хомашёлар (дон, қанд лавлагиси, меласса ва бошқалар) хариди ва сарфи;  
истеъмол ва техник этил спиртини ишлаб чиқариш, сақлаш (қолдиғи) ва сотиш ҳажми ҳамда транспорт воситаларида ташиш;

истеъмол ва техник этил спиртининг биржа савдолари;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари экспорти ва импорти;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилган хомашёлар (истеъмол этил спирти, тамаки, акциз маркалар, ёрликлар ва бошқалар), уларнинг сарфи, ярим тайёр маҳсулотлар ҳажми;

ишлаб чиқарилган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳажми ва тури;

ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ сарфи;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг улгуржи савдоси соҳасида лицензиялаш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларининг бажарилиши;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва реализация қилувчи тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўловлари;

назорат хариди натижалари асосида аниқланган камчиликларнинг таҳлили;

ваколатли давлат органи томонидан истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларнинг улгуржи савдоси соҳасида лицензиялаш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилиши борасида ўтказиладиган текширувлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан аниқланган этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳамда улар учун кўрилган чоралар.

6. Ахборот тизимидаги маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

а) ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳар ой якунида белгиланган ҳисобот шакллари бўйича шахсий кабинет орқали тақдим этиладиган қуйидаги маълумотлар:

истеъмол ва техник этил спиртини ишлаб чиқариш учун фойдаланилган хомашёлар (дон, қанд лавлагиси, меласса ва бошқалар) хариди, сарфи ва қолдиғи;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилган хомашёлар (вино хомашёси, коньяк дистилляти ва бошқалар) сарфи ва қолдиғи, шунингдек, қайта қуйишга (ишлашга) йўналтирилган алкоголь маҳсулотлари ҳажми;

кирим-чиқим, қолдиқда бўлган ҳамда яроқсиз акциз маркалар;

тасдиқланган йиллик ишлаб чиқариш режа-график (декабрь ойининг 20-санаси);

б) солиқ органларининг ахборот тизимлари орқали доимий равишда реал вақт режимида қуйидаги маълумотлар:

ишлаб чиқариш ва савдо субъектлари, савдо тушумлари ва тўланган солиқлар;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари реализациясига оид шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар;

мажбурий рақамли маркировка кодлари хариди, қолдиғи ва реализацияси;

в) божхона органларининг ахборот тизимлари орқали доимий равишда реал вақт режимида қўйидаги маълумотлар:

истеъмол этил спирти (дистиллялар), алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳамда уларнинг хомашёси экспорти ва импорти;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик ускуналари импорти;

истеъмол ва техник этил спиртини ишлаб чиқариш учун импорт қилинган дон ҳажми;

г) адлия органларининг ахборот тизимлари орқали доимий равишда реал вақт режимида қўйидаги маълумотлар:

давлат рўйхатидан ўтказилган ишлаб чиқарувчи ва савдо субъектлари;

лицензия ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомили асосида фаолият кўрсатувчи ишлаб чиқарувчи ва савдо субъектлари;

патентланган товар белгилари ва саноат намуналари;

д) Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ахборот тизимлари орқали доимий равишда реал вақт режимида истеъмол ва техник этил спирти савдоси, шунингдек, истеъмол ва техник этил спиртини ишлаб чиқариш учун харид қилинган дон ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;

е) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан шахсий кабинет орқали белгиланган ҳисобот шакллари асосида аниқланган истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар;

ж) ваколатли давлат органининг қўйидаги маълумотлари:

назорат хариди ҳамда лицензиялаш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилиши борасида ўтказиладиган текширувлар натижалари — текширув якуни бўйича;

ҳуқуқбузарлик учун қўлланилган ҳуқуқий (маъмурий ва жиноий) ва молиявий таъсир чоралари — ҳар ой якуни бўйича ҳисобот шаклида;

ишлаб чиқаришда фойдаланилган ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ сарфи — ҳар ой якуни бўйича ҳисобот шаклида;

истеъмол ва техник этил спирти ҳамда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, шунингдек, истеъмол ва техник этил спиртини ташиш ҳажми — ахборот тизимлари орқали доимий равишда реал вақт режимида.

7. Давлат органларининг ахборот тизимлари ваколатли давлат органининг Ахборот тизимида «Электрон ҳуқумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали интеграция қилинади.

Давлат органлари ваколатли давлат органининг Ахборот тизимидаги маълумотларидан белгиланган тартибда фойдаланиши мумкин.

**3-боб. Ҳуқуқбузарлик хавфи даражасининг таҳлили**

8. Ахборот тизимида ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган маълумотлар асосида белгиланган мезонлар бўйича автоматлаштирилган тарзда ҳуқуқбузарлик хавфи даражаси доимий равишда таҳлил қилиб борилади.

9. Хавф даражасини таҳлил қилиш жараёнида тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш ёки унга тўсқинлик қилиш тақиқланади.

10. Ҳуқуқбузарлик хавфи таҳлили натижасида балл тизими орқали ҳуқуқбузарлик хавфи даражаси баҳоланади.

11. Ҳуқуқбузарлик хавфи даражалари ва уларнинг балл тизими Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда ваколатли давлат органи бошлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

12. Хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари уч тоифага бўлинади:

ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган тадбиркорлик субъекти;  
ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача бўлган тадбиркорлик субъекти;  
ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган тадбиркорлик субъекти.

13. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори, ўртача ёки паст бўлган тадбиркорлик субъектлари рўйхати Ахборот тизими маълумотлари асосида шакллантирилади.

14. Ахборот тизими маълумотлари асосида ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўрта ёки юқори бўлган тадбиркорлик субъектида қонунчиликда белгиланган тартибда текширув ўтказилади ва тегишли далолатнома тузилади.

Текширув давомида истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган масалаларни ўрганиш тақиқланади.

15. Қуйидаги ҳолларда ҳуқуқбузарлик хавф даражаси таҳлилларини амалга оширмасдан, тадбиркорлик субъектида текширув ўтказилади:

фаолият билан шуғулланишга лицензия олиш учун мурожаат этилганда, фаолияти давомида лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлиги юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўрганишлар;

яширин ишлаб чиқариш, акциз маркасиз, рақамли маркировкасиз ёки сифатсиз этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларида;

лицензиясиз ёки хабардор этмасдан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиш ҳолатлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида;

аниқ факт ва ҳоллар бўйича фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига, давлат манфаатларига, атроф-муҳитга зарар етказиш хавфининг тезкор олдини олиш ёки бартараф этишда;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

16. Хавф даражаси юқори бўлмаган тадбиркорлик субъектига аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик бора-

сида шахсий кабинет орқали ёзма равишда хабарнома (огоҳлантириш) юборилади.

Тадбиркорлик субъектига камчиликларни бартараф этиш учун ўн кундан ортиқ бўлмаган муддат белгиланади.

Белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этмаган тадбиркорлик субъектининг хавф даражаси ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўрта ёки юқори бўлган тадбиркорлик субъекти тоифасига киритилади.

17. Хавф даражасини таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқарилган ва реализация қилинган маҳсулот ҳажми солиқ ҳисоботлари маълумотлари ҳамда ишлаб чиқариш ва реализация қилишда фойдаланилган хомашёлар (акциз марка, маркировка коди, истеъмол этил спирти, тайёр маҳсулот ва бошқалар) ҳажми ўртасида фарқ аниқланганда, ваколатли давлат органи шахсий кабинет орқали ишлаб чиқарувчи ёки савдо субъектига ушбу ҳолат юзасидан хабарнома юборади.

18. Хавфни таҳлил этиш тизими асосида мониторинг ва назорат ушбу Низомга иловадаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфни таҳлил этиш натижаларидан нозори бўлган тадбиркорлик субъекти юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

20. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 17 октябрдаги 650-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича «тахлика-тахлил» тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 18 мартдаги 166-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарорига 4-илованинг 8-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарорига 5-илованинг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 809-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**635** **Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта таълим мактабларида муסיқа маданияти фани ўқитилишини тубдан такомиллаштириш ҳамда ушбу фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–391-сон ҳамда «Умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитилишини тубдан такомиллаштириш ҳамда ушбу фан ўқитувчиларининг касбий фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–392-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 ноябрдаги ПҚ–391-сон ҳамда ПҚ–392-сон қарорларига асосан муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизими амалиётга жорий этилсин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражасини ва касбий маҳоратини аниқлаш ҳамда уларга сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолашни икки босқичда амалга ошириш. Бунда:

биринчи босқичда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тест синовларини ўтказиш;

иккинчи босқичда тегишлича Маданият вазирлиги ва Спорт вазирлиги томонидан амалий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш.

4. Ўқитувчининг билим даражаси ва касбий маҳорати тўғрисидаги сертификатнинг давлат намунаси ва тавсифи 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тошкент шаҳри ҳокимлиги тест синовларини йил давомида ўтказишга мўлжалланган катта сифимли бино қуриш учун Янги Тошкент шаҳри ҳудудидан 2,2 гектар ер майдонини белгиланган тартибда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 18 октябрда эълон қилинган.

\*\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилаб қўйилсинки:

а) янги бинони лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари учун маблағлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги фаолиятини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

б) лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси» давлат муассасаси буюртмачи ҳисобланади;

в) бино қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг, у белгиланган тартибда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

6. Маданият вазирлиги, Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов, маданият вазири О.А. Назарбеков ҳамда спорт вазири А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 17 октябрь,  
652-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 17 октябрдаги 652-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани  
ўқитувчиларининг билим даражасини ва касбий маҳоратини  
аниқлаш ҳамда уларга сертификат бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш ҳамда уларга сертификат бериш тартибини белгилайди.

2. Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражаси ҳамда касбий маҳоратини аниқлаш бўйича миллий баҳолаш тизими қуйидаги икки босқичда амалга оширилади:

1-босқич — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан ўтказиладиган тест синовлари;

2-босқич — тегишлича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Спорт вазирлиги томонидан ўтказиладиган амалий (ижодий) имтиҳон.

Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг билим даражасини аниқлаш ва давлат намунасидаги сертификатни (кейинги ўринларда — сертификат) беришда тест синовлари Агентлик томонидан тўлов асосида ўтказилади.

Амалий (ижодий) имтиҳон тегишлича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Спорт вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида ўтказилади.

3. Сертификат Агентлик томонидан 3 йил муддатга электрон шаклда берилади.

Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фанини билиш даражасини аниқлаш бўйича А+, А, В+, В, С+, С даражали сертификатлар берилади.

Тест натижалари халқаро методика — Раш модели асосида ҳисобланади. Амалий (ижодий) имтиҳон ҳамда тест синовларининг ўртача натижасига кўра:

70 ва ундан юқори балл олган талабгорга — А+ даражали;

65 — 69,9 балл олган талабгорга — А даражали;

60 — 64,9 балл олган талабгорга — В+ даражали;

55 — 59,9 балл олган талабгорга — В даражали;

50 — 54,9 балл олган талабгорга — С+ даражали;

46 — 49,9 балл олган талабгорга — С даражали сертификат берилади.

В+ ва ундан юқори даражали сертификат олган ўқитувчига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ойлик маошига устама берилади.

4. Муסיқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фанини билиш даражасини аниқлаш ва сертификат бериш учун тузиладиган тест саволлари давлат

таълим стандартларига мос равишда ҳамда таълим ўқув дастурига мувофиқ тегишлича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Спорт вазирлиги томонидан тавсия этилган фан мутахассислари иштирокида Агентлик томонидан ишлаб чиқилади.

Тест синовлари ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражасини тизимли ва асосли баҳолаш учун яратилган, турли шакл ва қийинлик даражасидаги параллель топшириқлар тизимини назарда тутди.

## **2-боб. Мусиқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фанини билиш даражасини аниқлаш бўйича тест синовини ташкил этиш**

5. Мусиқа маданияти фани ва жисмоний тарбия фани бўйича тест топшириқлари формати (фанлар мажмуаси, фан мазмуни таркиби, саволлар сони, топшириқлар тури, вақт меъёри), баҳолаш мезонлари, тест синовини ўтказиш муддатлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спорт вазирлиги билан келишилади, Агентлик томонидан тасдиқланади ҳамда Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

6. Талабгор сертификат олиш мақсадида тест синовида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали электрон шаклда ариза бериб рўйхатдан ўтади.

7. Талабгор мустақил равишда ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ шаклдаги сўровномани ЯИДХП орқали электрон равишда тўлдиради. Талабгордан сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Талабгорга сўровнома расмийлаштирилганидан сўнг Агентлик томонидан ЯИДХП орқали тест синовидан ўтиш қоидалари тўғрисидаги эслатма берилади.

Талабгорнинг сўровномасида унинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Сўровномада талабгор электрон манзилининг кўрсатилгани унинг сўровнома бўйича қабул қилинган қарор, тест синови натижалари юзасидан апелляция хулосаси ҳақида ахборот тизими орқали хабарнома олишга розилигини англатади.

Талабгордан сўровномадаги ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди.

Талабгор ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилиги учун талабгорнинг ўзи шахсан жавобгар ҳисобланади.

Тест синовини ўтказиш санаси у ўтказиладиган кундан камида етти кун олдин ЯИДХП орқали эълон қилинади.

Талабгор тест синови ўтказиладиган сана ва жой тўғрисидаги маълумотга ЯИДХП орқали эга бўлади.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Адлия вазирлиги томонидан вақтинча рўйхатга олинади ҳамда уларга ЖШШИР рақами шакллантирилади.

8. Агентлик томонидан талабгор тўғрисидаги шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги таъминланади. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд томонидан расмий муурожаат бўлган тақдирда, ариза берувчилар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

9. Тест синовини ўтказиш жойи ва санаси Агентлик томонидан белгиланади.

10. Талабгорнинг тест синовида белгиланган ўтириш ўрни Агентлик томонидан қуръа ташлаш йўли билан аниқланади ва далолатнома расмийлаштирилади.

11. Тест синови бланкалар (жавоблар варақаси)да ёки компьютер (онлайн платформа)да ўтказилиши мумкин. Тест синови бланкалари (жавоблар варақаси) талабгорнинг билимини баҳолаш учун асос ҳисобланадиган ягона ҳужжатдир.

Тест синови тегишли дастурий таъминот асосида компьютерда билимни баҳолашнинг барча бўлимлари қамраб олинган ҳолда ўтказилади.

12. Тест синови Агентлик масъул ходимининг раҳбарлиги ва назоратида ўтказилади.

Тест синови вақтида ҳар бир иш жойида бир нафар талабгор ўтиради. Тест синовини ўтказиш жараёни доимий видеотасвирга олинади.

13. Тест синовини ўтказиш учун Агентлик томонидан гуруҳ назоратчилари жалб этилади.

14. Тест синовига жалб этилган гуруҳ назоратчилари билан шартнома тузилади.

15. Талабгор шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида видео қайд этиш қурилмалари орқали текширишдан ўтгач, тест синовига қўйилади.

16. Тест синови ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай қўлланма, адабиётлар, телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кириш қатъиян ман этилади. Тест синовини ўтказиш жараёнига турли хатти-ҳаракатлар билан салбий таъсир қилиш: бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш, тест топшириқлари китоби варақларини йиртиш, тест топшириқлари китобини бошқа талабгорларга бериш, тест синовига ажратилган вақт тугагандан сўнг ёзишни давом эттириш, бошқа талабгорга бирорта буюм узатиш тақиқланади.

Ушбу талабларга риоя қилмаган талабгор тест синовидан четлаштирилади ва далолатнома расмийлаштирилади. Четлаштириш далолатномаси Агентликнинг тест синовини кузатиб борувчи масъул ходими ва гуруҳ назоратчиси томонидан расмийлаштирилади.

Четлаштириш далолатномаси натижаларнинг ҳисобланмаслигига асос бўлади.

17. Тест синовлари натижалари бўйича тестология меъёрларининг бузилиш ҳолати аниқланса, Агентлик томонидан тест синови натижалари бекор қилинади.

Қуйидаги ҳолатларда тестология меъёрлари бузилган деб ҳисобланади: тест материаллари хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш қоидалари бузилса;

талабгорлар томонидан тест материалларини олдиндан қўлга киритиш ҳолати аниқланса;

тест синови натижалари тахлилига кўра, тақсимот нормал тақсимотдан кескин фарқ қилса.

Бунда мазкур банднинг бешинчи хатбошида кўрсатилган ҳолат фақат айрим ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳри)да аниқланган тақдирда, ушбу ҳудудлардаги тест синовлари натижалари бекор қилинади.

Тест синови натижалари мазкур бандга мувофиқ бекор қилинган ҳолатларда, талабгорларнинг хоҳишига кўра амалга оширилган тўлов миқдори қайтарилади ёки қайта тест синовлари ташкил этилади.

18. Агар ариза берувчи турли сабабларга кўра тест синовларида иштирок эта олмайдиган бўлса, Агентликка тест синовлари ўтказиладиган кундан камида уч кун олдин ЯИДХП орқали электрон шаклда мурожаат этиши лозим.

Узрли сабабга кўра (касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) тест синовларида қатнаша олмаган талабгор тест синови ўтказилган санадан беш иш кунидан кечикмай, ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатларни ЯИДХП орқали Агентликка электрон шаклда тақдим этиши лозим.

Бунда талабгорга Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига келиб тушган тўлов миқдори Агентлик томонидан, бошқа ҳисобварақларга тақсимланган тўлов тўлиқ миқдорда ЯИДХП орқали қайтарилади.

Талабгор тўловни қайтариш бўйича ушбу Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги сўровномани ЯИДХП орқали электрон шаклда тўлдиради.

19. Талабгор тест синовида кечиккан ёки сабабсиз келмаган ҳолларда, талабгор томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди.

### **3-боб. Амалий (ижодий) имтиҳонларни ташкил этиш**

20. Мусиқа маданияти фани бўйича ижодий синовлар муддатлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, жисмоний тарбия фани бўйича ижодий синовлар муддатлари Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқланади ҳамда уларнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Амалий (ижодий) синовни ўтказиш муддати талабгорлар сонидан келиб чиқиб белгиланади.

21. Талабгорлар фуқаролик паспорти (фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси) ёки ID картаси ҳамда электрон ариза нусхаси билан амалий (ижодий) синовларда иштирок этади.

22. Амалий (ижодий) синовни ўтказиш жойи ва санаси мос равишда Ўз-

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Спорт вазирлиги томонидан Агентлик билан келишган ҳолда белгиланади.

23. Амалий (ижодий) синовлар талабгорларнинг мутахассислиги бўйича билимни баҳолашнинг барча бўлимларини қамраб олган ҳолда бир босқичда ўтказилади.

24. Амалий (ижодий) синовларга келмаган талабгорлар учун амалий (ижодий) синов қайта ташкил этилмайди.

Агар талабгор Агентлик томонидан ўтказилган тест синовида қатнашиб, фақат узрли сабабларга кўра (касаллиги ёки оила аъзоларининг вафот этганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда) амалий (ижодий) имтиҳонда қатнаша олмаган бўлса, талабгор уч иш куни ичида ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Спорт вазирлигига бевосита ёки электрон шаклда тақдим этиши лозим. Бунда талабгорнинг аризасига мувофиқ унинг навбатдаги амалий (ижодий) имтиҳон топширишига рухсат берилади.

25. Амалий (ижодий) синовлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Маданият таълими маркази» давлат муассасаси масъул ходимининг раҳбарлигида ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармаларининг Ихтисослаштирилган спорт таълим муассасалари билан ишлаш шубаси бошлиғи раҳбарлигида ўтказилади.

26. Мусиқа маданияти фани бўйича амалий (ижодий) синов вақтида бир нафар талабгор иштирок этади. Жисмоний тарбия фани бўйича амалий (ижодий) синовда талабгорлар якка ва жамоа бўлиб қатнашишлари мумкин.

Амалий (ижодий) синов ўтказиш жараёни доимий видеотасвирга олинади.

27. Амалий (ижодий) синовни ўтказиш учун соҳанинг 5 — 7 нафар етакчи мутахассисларидан иборат комиссия шакллантирилади. Амалий (ижодий) синовга жалб этилган комиссия аъзолари билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилади.

28. Мусиқа маданияти фани бўйича талабгор мутахассислигидан келиб чиқиб, мусиқа чолғуси ҳамда жўрнавоз иштирокида иждодий синовда иштирок этиши мумкин.

29. Амалий (ижодий) синовга телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кириш қатъиян ман этилади. Амалий (ижодий) синовни ўтказиш жараёнига турли хатти-харакатлар билан салбий таъсир қилган талабгор синовдан далолатнома асосида четлаштирилади.

30. Четлаштириш далолатномаси натижаларнинг ҳисобланмаслигига асос бўлади.

31. Жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун амалий имтиҳон икки турда ўтказилиб, мазкур Низомга 3 ва 4-иловаларга\* мувофиқ жисмоний тайёргарлик даражаси нормативи ва спорт турларининг техник ҳаракатларини бажариш синовлари асосида баҳоланади.

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда биринчи тур жисмоний тайёргарлик даражаси нормативи синови, иккинчи тур таълим дастурига киритилган 8 та спорт тури (енгил атлетика, гимнастика, футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, шахмат ва кураш)нинг техник ҳаракатларини бажариш синовидан иборат.

Амалий имтиҳоннинг биринчи турида жисмоний тарбия фани ўқитувчилари жисмоний тайёргарлик даражаси 3 та норматив асосида 40 баллик тизимда баҳоланади. Иккинчи турда таълим дастурига киритилган 8 та спорт тури бўйича 5 та техник ҳаракатлар ҳамда баланд буйруқ оҳангига ва бир вақтда буйруқни тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлигига кўра 40 баллик тизимда баҳоланади.

Муסיқа маданияти фани ўқитувчиларининг ижодий имтиҳон синовлари мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ баҳолаш мезони асосида 75 баллик тизимда баҳоланади.

32. Амалий (ижодий) синовлар натижалари улар яқунланган кундан бошлаб уч иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Спорт вазирлиги томонидан биринчи раҳбар ёки раҳбар ўринбосарларидан бирининг имзоси билан Агентликка тақдим этилади. Амалий (ижодий) синов натижалари бўйича олинган баллар, тест синовида олинган баллар билан бир хил шкалага келтирилади ва уларнинг ўртача арифметик қиймати умумий балл сифатида эълон қилинади.

#### **4-боб. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби**

33. Амалий (ижодий) имтиҳон натижаларидан норози бўлган талабгор мос равишда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Спорт вазирлигида ташкил этилган Апелляция комиссиясига, тест синови натижасидан норози бўлган талабгор Агентликда ташкил этилган Апелляция комиссиясига умумий натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга.

34. Апелляция комиссиясининг таркиби 5 ёки 7 нафардан иборат бўлади. Апелляция шикоятни икки ҳафта ичида кўриб чиқилади. Талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

35. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

амалий (ижодий) имтиҳон (тест синови) натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляциянинг қаноатлантирилишини рад этиш;

амалий (ижодий) имтиҳон (тест синови) натижаларини ўзгартириш ва апелляцияни қаноатлантириш.

Агар талабгор томонидан кўрсатилган далиллар тасдиқланмаса, апелляциянинг қаноатлантирилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Агар талабгор томонидан кўрсатилган далиллар асосли деб топилса, Апелляция комиссияси қарори билан амалий (ижодий) имтиҳон (тест синови) натижалари ўзгартирилади.

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

36. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

Талабгор Апелляция комиссиясининг қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

### **5-боб. Ўқитувчиларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини аниқлаш бўйича давлат намунасидаги сертификатни бериш тартиби**

37. Сертификат ижобий натижага эришган талабгорга умумий натижалар эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида Агентлик директорининг буйруғи асосида электрон шаклда берилади. Агентлик томонидан талабгорга сертификатни электрон шаклда юклаб олиш имконияти яратилади.

38. Сертификатлар реестри Агентлик томонидан юритилади.

Сертификатлар реестрида қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

фуқаролик паспорти (ID карта) маълумотлари (серияси ва тартиб рақами, паспорт (ID карта)нинг ким томонидан ва қачон берилгани) ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома маълумотлари (тартиб рақами, гувоҳноманинг ким томонидан ва қачон берилгани);

Агентликнинг сертификат бериш тўғрисидаги буйруғининг санаси ва тартиб рақами;

сертификатнинг ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақами;

сертификатнинг берилган санаси;

сертификатнинг амал қилиш муддати.

39. Сертификатнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайти орқали текшириш имконияти яратилади.

40. Сертификат беришда синовларни ўтказиш учун талабгордан ариза берилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади. Давлат хизмати кўрсатилиши учун рўйхатдан ЯИДХП орқали мурожаат қилинган тақдирда, талабгордан белгиланган тўлов миқдорининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун тўлов тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

Тўлов суммаси қўйидаги тартибда тақсимланади:

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

0,3 баравари миқдори мос равишда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Спорт вазирлигига ўтказилади;

қолган маблағлар — Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади.

Талабгор тўловни ЯИДХП орқали шакллантирилган инвойс рақами орқали тўлайди.

**6-боб. Яқунловчи қоидалар**

41. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

42. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**636** Олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Талаба-ёшларни ватанпарварлик ва миллий кадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг шахсий-касбий ривожланишига яқиндан ёрдам бериш, талабалар билан индивидуал ишлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тьюторлик фаолиятининг мақсад ва вазифалари;

тьюторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

тьюторлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда тьюторларга қўйиладиган малака талаблари;

тьюторлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

2. Олий таълим ташкилотларида талаба-ёшлар тарбияси билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш, уларда ватанпарварлик руҳини ошириш ва тьюторлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда:

тьюторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш (КРІ) тизимини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ҳамда амалиётга жорий этсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига оқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2025 йил 17 октябрь,  
656-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 октябрда эълон қилинган.

\*\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил 17 октябрдаги 656-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини  
ташkil этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом олий таълим ташкилотларида тьюторлик фаолиятини ташkil этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари нодавлат олий таълим ташкилотлари учун тавсиявий хусусиятга эга.

3. Тьюторлар олий таълим ташкилотида талаба-ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда маънавий-ахлоқий кадриятлар ва кенг дунёқарашни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолият олиб боради.

4. Тьюторлар ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатлари, олий таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидалари ва одоб-ахлоқ кодекси ҳамда ушбу Низом асосида ташkil этади.

5. Тьюторлар фаолиятига олий таълим ташкилотининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори (директор ўринбосари) умумий раҳбарлик қилади.

**2-боб. Тьюторлик фаолиятининг мақсади ва асосий  
вазифалари**

6. Тьюторлик фаолиятининг мақсади — талаба-ёшларни ватанпарварлик ва миллий кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, шахсий-касбий ривожланишига яқиндан ёрдам бериш, талабаларнинг таълим-тарбия жараёнларига мослашувини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташkil қилишдан иборат.

7. Тьюторлик фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг олий таълим ташкилоти ва таълим-тарбия жараёнларига мослашувига, ахборот-ресурслари ва бошқа манбалардан самарали фойдаланишига кўмаклашиш ҳамда шахсий-касбий қизиқишларини ривожлантиришга қаратилган яқка ва жамоавий маслаҳатлар бериб бориш, ички тартиб-қоидалар, одоб-ахлоқ кодекси ҳамда бошқа локал ҳужжатлар билан талабаларни таништириш;

талабаларни ватанпарварлик, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

талабаларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташkil этиш ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган, етим, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни ҳамда ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этаётган талабаларни рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;

талабаларнинг яшаш манзиллари (талабалар турар жойи, ижара, яқин қариндоши ва хусусий хонадонлар) бўйича мунтазам мониторинг юритиш ҳамда у ердаги шароит ва талабаларнинг ижтимоий (оилавий) ҳолатидан хабардор бўлиш, уларнинг бу борадаги муаммоларини ўрганиб, уни бартараф этиш бўйича раҳбариятга тегишли таклифлар киритиш;

талабаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уларни фарзандининг ўқув-тарбиявий ва ижтимоий-маиший соҳалардаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиб бориш.

### **3-боб. Тьюторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Тьюторлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

даволат ва ўзлаштиришни мониторинг қилиб бориш мақсадида ўзига бириктирилган талабаларнинг дарсларини кузатиш;

талабаларнинг талабалар турар жойига жойлашиши ва ундан чиқарилиши ҳамда яшаш шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

талабаларга тавсифнома ва академик таътил бериш масаласини ҳал этишда иштирок этиш, факультетда (олий мактабда) талабалар ҳақидаги мавжуд маълумотлардан хизмат фаолияти доирасида фойдаланиш;

талабалар билимининг баҳоланишини кузатиш.

Тьюторлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Тьюторлар меҳнат шартномасида кўрсатилган ишлар билан бир қаторда, асосий ишидан бўш вақтида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўриндошлик асосида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин.

10. Қуйидагилар тьюторларнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

талабаларнинг одоб-ахлоқ кодекси ва ички тартиб-қоидаларга риоя этилишини кундалик назорат қилиш;

талабаларнинг шаъни, кадр-қиммати ва обрўсини ҳурмат қилиш, улар ҳақидаги шахсий маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор қилмаслик;

талабалар ва уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни олий таълим ташкилоти низоми, ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ кодекси, талабалар турар жойидан фойдаланиш қоидалари ва таълим фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар билан таништириш;

талабалар билан боғлиқ фавқулодда муаммоли вазиятлар юзасидан зудлик билан факультет (олий мактаб) декани ва бошқа масъулларга ахборот бериш.

Тьюторлар зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

**4-боб. Тьюторлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш**

11. Тьюторлик асосий меҳнат фаолияти бўлиб, бунда тьюторлик учун бакалавр даражаси тўғрисидаги ҳужжат (ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар) талаб этилади.

12. Тьюторларга бакалаврият босқичининг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 1 — 3-курс талабалари бириктирилади ва уларнинг сони, қоида тариқасида, 120 — 150 нафардан иборат бўлади.

13. Тьюторлар таълим ташкилотида тегишли бўлим ва тузилмалар билан ҳамкорликда ўқув йили учун тасдиқланган иш режаси асосида фаолиятини ташкил этади.

14. Тьюторлар фаолиятига оид чораклик ҳисоботлар тегишли бўлинма томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш марказининг электрон тизимига киритиб борилади.

15. Талабаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш учун тьюторларнинг иш куни давомийлигини олий таълим ташкилотидаги ўқув жараёни графигидан келиб чиққан ҳолда, мослашувчан иш графиги асосида белгилаш мумкин.

**5-боб. Тьюторларга қўйиладиган малака талаблари**

16. Тьюторлар:

таълим фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, таълим стандартлари талаблари ва мазмунини билиши;

талабалар билан ишлаш, маънавий-маърифий соҳага оид билимлар, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш малакасига эга бўлиши, соҳага оид янгиликлардан хабардор бўлиши;

ахборотни таҳлил қила олиш ва умумлаштириш, ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш, қарорлар қабул қилиш ва ўз фикрларини ёзма ҳамда оғзаки баён этиш, топшириқларни қисқа ва лўнда ифода этиш қобилиятига эга бўлиши;

талабаларнинг олий таълим ташкилотидаги фаолиятини таҳлил қила олиши, муаммоларини аниқлаши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топиш ва амалда қўллашни билиши лозим.

17. Тьюторларга нисбатан қуйидаги малака талаблари қўйилади:

олий маълумотга (бакалавр) эга бўлиш (илмий даража ва илмий унвонга эга шахсларга афзалликлар берилади);

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таълим бериш ҳуқуқидан маҳрум этилмаган бўлиши;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар услубиёти ва амалиётини чуқур англаб етган, педагогик-психологик билим ва тажрибага эга бўлиш;

намунавий шахсий фазилатларга, шу жумладан, маданиятли, масъулиятли, киришувчан, ватанпарвар ва ташаббускор бўлиш;

мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш.

18. Ушбу Низомнинг 17-бандида белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мутахассислар тьюторлик лавозимига тайинланмайди.

### **6-боб. Тьюторлар фаолиятини мувофиқлаштириш**

19. Тьюторлар фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, ташкилий-методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича масъулият олий таълим ташкилотининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлимига юклатилади.

20. Олий таълим ташкилотининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими:

тьюторларнинг ишини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

тьюторларнинг иш тажрибасини ўрганади, умумлаштиради, илғор иш тажрибаларини оммалаштиради;

тьюторлар учун талабалар билан маънавий-маърифий, касбий-ижодий фаолиятни ташкил этишнинг инновацион технологиялари, самарали шакл ва методлари бўйича семинарлар, ўқувлар ташкил этади;

хар чоракда тьюторлар фаолиятининг самарадорлиги юзасидан таҳлилий ҳисоботларини тайёрлайди, таклифларни умумлаштиради, раҳбариятга тақдим этади;

факультет (олий мактаб) декани билан ҳамкорликда юқори самарадорлик (КРІ) кўрсатган тьюторларни рағбатлантириш ва малака ошириш, стажировкаларини ташкил этиш бўйича раҳбариятга таклифларни киритади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Тьюторлар ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун шахсан жавобгардир.

22. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I****637 Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarning  
xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash  
va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 30-bandiga  
o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
13-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2634-8*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 6-iyundagi PQ–268-son “Davlat sport-ta’lim muassasalari faoliyatini mutlaqo yangi tizim asosida tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 5-avgustdagi 496-son “Sport sohasida davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 14-noyabrdagi 74-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2634, 2014-yil 15-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 51-son, 612-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 30-bandi beshinchi xatboshisidagi “olimpiya zaxiralari kollejlari” degan so‘zlar “olimpiya va paralimpiya sport turlariga tayyorlash markazlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 6-oktabr,  
294-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-oktabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA‘LIMI VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGINING  
QARORI

**638** Maktabgacha ta‘lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta‘minotiga haq to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
13-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2821-5*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-avgustdagi PF–133-son “O‘zbekistondagi bir guruh falastinlik fuqarolarga davlat g‘amxo‘rligi, mehr-shafqat tamoyillari asosida ko‘mak berish tizimini yo‘lga qo‘yish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda 2024-yil 10-maydagi PQ–175-son “Tazyiq va zo‘ravonlikdan jabrlangan shaxslarga ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatishni takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta‘limi vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta‘limi vazirligi va Moliya vazirligining 2016-yil 25-iyuldagi 8-mh va 55-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2821, 2016-yil 23-avgust) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 34-son, 406-modda) bilan tasdiqlangan Maktabgacha ta‘lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta‘minotiga haq to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Maktabgacha va maktab  
ta‘limi vaziri**

Toshkent sh.,  
2025-yil 3-oktabr,  
11-mh-son

**E. KARIMOVA**

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

Toshkent sh.,  
2025-yil 29-sentabr,  
292-son

**D. KUCHKAROV**

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining  
2025-yil 3-oktabrdagi 11-mh-son hamda  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil  
29-sentabrdagi 292-son qaroriga  
ILOVA

**Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi  
bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga  
kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 19-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Boquvchisini yo'qotgan ayollarning, Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish respublika markazining hududiy markazlariga joylashtirilgan xotin-qizlarning farzandlari, shuningdek vatan himoyasi va el-yurtimiz tinchligi yo'lida yaralanganligi, kontuziya yoki mayib bo'lganligi oqibatida halok bo'lgan harbiy xizmatchilar va xodimlarning farzandlari mazkur bandning birinchi xatboshisida ko'rsatilgan kvotadan qat'i nazar ota-onalar to'lovidan ozod qilinadi.”;

quyidagi mazmundagi uchinchi va to'rtinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“Bunda, Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish respublika markazining hududiy markazlariga joylashtirilgan xotin-qizlar ular ushbu markazlarda bo'lgan vaqt mobaynida to'lovdan ozod etiladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-avgustdagi PF-133-son “O'zbekistondagi bir guruh falastinlik fuqarolarga davlat g'amxo'rligi, mehr-shafqat tamoyillari asosida ko'mak berish tizimini yo'lga qo'yish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmonining 9-bandiga muvofiq, O'zbekistonga olib kelingan falastinlik fuqarolarning farzandlari mazkur bandning birinchi xatboshisida ko'rsatilgan kvotadan qat'i nazar 2028-yil 1-yanvarga qadar ota-onalar to'lovidan ozod qilinadi.”.

2. 20-bandda:

“v” kichik banddagi “guvohnomasi.” degan so'z “guvohnomasi;” degan so'z bilan almashtirilsin;

quyidagi mazmundagi “g” va “d” kichik bandlar bilan to'ldirilsin:

“g) Ayollarni reabilitatsiya qilish va moslashtirish respublika markazining hududiy markazlariga joylashtirilgan xotin-qizlarning farzandlari uchun ularning onasi ushbu markazlarga joylashtirilganligi to'g'risida ma'lumot;

d) O'zbekistonga olib kelingan falastinlik fuqarolarning farzandligini tasdiqlovchi ma'lumot.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**639** O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti pul mablag‘larini kassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo‘yicha hujjat shakllari va ularni taqdim qilish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
13-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3009-3*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2025-yil 30-iyundagi 400-son “O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2018-yil 9-apreldagi 76-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3009, 2018-yil 11-may) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 14.05.2018-y., 10/18/3009/1212-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti pul mablag‘larini kassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo‘yicha hujjat shakllari va ularni taqdim qilish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 26-sentabr,  
290-son

*Kelishildi:*

**Soliq qo‘mitasi raisi**

**Sh. KUDBIYEV**

*2025-yil 19-sentabr*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil  
26-sentabrdagi 290-son buyrug'iga  
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti pul mablag'larini kassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo'yicha hujjat shakllari va ularni taqdim qilish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Yo'riqnoma O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti (bundan buyon matnda Davlat byudjeti deb yuritiladi) pul mablag'larini kassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo'yicha hujjat shakllarini to'ldirish va taqdim qilish tartibini belgilaydi.”.

2. 1-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“1. Ushbu Yo'riqnoma O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasi va uning hududiy bo'linmalari (bundan buyon matnda G'aznachilik xizmati bo'linmalari deb yuritiladi), O'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasi (bundan buyon matnda SQ deb yuritiladi), O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasi (bundan buyon matnda BQ deb yuritiladi), shuningdek soliq va yig'implarni undirish bo'yicha boshqa vakolatli organlar (bundan buyon matnda boshqa vakolatli organlar deb yuritiladi), byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarga nisbatan tatbiq etiladi.”.

3. 2, 6, 8, 10 va 13-bandlardagi “DSQ, DBQ” qisqartmalari “SQ, BQ” qisqartmalari bilan almashtirilsin.

4. 7-banddagi “DSQ” va “DBQ” qisqartmalari tegishli ravishda “SQ” va “BQ” qisqartmalari bilan almashtirilsin.

5. 1-ilovaning “Subyektlar” ustunida:

“DSQ” va “DBQ” qisqartmalari tegishli ravishda “SQ” va “BQ” qisqartmalari bilan almashtirilsin;

“Moliya vazirligining” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

“O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 5 va 6-ilovalari izohlarining birinchi xatboshilari quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“\* SQ, BQ va boshqa vakolatli organlar tomonidan Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasiga taqdim etiladi.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**640 O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
13-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3691*

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi, “Ichimlik suvi ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish to‘g‘risida”gi, “Texnik jihatdan tartibga solish to‘g‘risida”gi qonunlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-iyuldagi PF–111-son “Davlat boshqaruvi tizimida samaradorlik, proaktivlik va natijadorlikni oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 23-sentabr,  
20-2025/B-son

*Kelishildi:*

**Qurilish va uy-joy  
kommunal xo‘jaligi vaziri**

**Sh. XIDOYATOV**

*2025-yil 12-sentabr*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2025-yil 23-sentabrdagi 20-2025/B-son  
buyrug'iga  
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va  
bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy  
normativ-huquqiy hujjatlarga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 14-maydagi 33-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2461, 2013-yil 30-may) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 22-son, 295-modda) bilan tasdiqlangan Oshxonalar, restoranlar hamda boshqa korxonalar va ishlab chiqarishlarda oziq-ovqat tayyorlash va aholiga xizmat ko'rsatishda band bo'lgan xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar oshxonalar, restoranlar hamda boshqa korxonalar va ishlab chiqarishlarda oziq-ovqat tayyorlash va aholiga xizmat ko'rsatishda band bo'lgan xodimlar uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5 va 12-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

4) 7 va 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. O'zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

8. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”;

5) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan

tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Mehnatni muhofaza qilish bo'yicha yo'riqnomalar ishlab chiqiladi hamda tashkilot xodimlarini va ish joylarini ushbu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

7) 14-banddagi “GOST 17.2.3.02-78” degan so'zlar “GOST 17.2.3.02-2014” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 36-banddagi “har yili tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 37 va 38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi.

38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

10) 39-banddagi “tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 42-bandning uchinchi xatboshisidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun'iy yoritish. Loyihalashtirish me'yorlari”ga” degan so'zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

12) 43-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, ventilyatsiya va konditsionerlash” talabiga” degan so'zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

13) 45-banddagi “QMQ II-89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani” degan so'zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

14) 57-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“57. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari hamda yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

15) 67-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan so'zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

16) 73-banddagi “GOST 12.1.003-89” va “GOST 12.1.012-90” degan so'zlar tegishli ravishda “GOST 12.1.003-2014” va “GOST 12.1.012-2004” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

17) 2-bobning 13-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so'z “oqova suvlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

18) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Suv bilan ta’minlash va oqova suvlar tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga mos kelishi kerak.”;

19) 77-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlar tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

20) 81 va 82-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

21) 83-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun’iy yoritish” degan soʻzlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun’iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

22) 94-banddagi “ShNQ 2.09.04-09 “Tashkilotlarning ma’muriy va maishiy binolari” degan soʻzlar “ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma’muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

23) 144-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“144. Tashkilotlarda elektr qurilmalarni oʻrnatish va ulardan foydalanishda Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari hamda mazkur Qoidalar talablariga rioya qilinishi kerak.”;

24) 215-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlar tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

2. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 14-maydagi 34-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2466, 2013-yil 7-iyun) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2013-y., 23-son, 310-modda) bilan tasdiqlangan Elektr priborlari va tashkiliy texnika bilan ishlashda, ularni taʼmirlash va ularga xizmat koʻrsatishda mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

2) 5 va 12-bandlar oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin;

3) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament boʻyicha xavfsiz yuritish yoʻriqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yoʻriqnomalar bilan taʼminlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

4) 14-banddagi “GOST 17.2.3.02-78” degan soʻzlar “GOST 17.2.3.02-2014” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

5) 36-banddagi “har yili tibbiy koʻrikdan” degan soʻzlar “har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy koʻrikdan” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6) 37 va 38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Majburiy tibbiy ko‘riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo‘lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o‘tkaziladi.

38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

7) 39-banddagi “tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8) 42-bandning uchinchi xatboshisidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yoritish. Loyihalashtirish me‘yorlari”ga” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

9) 43-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, ventilyatsiya va konditsionerlash” degan so‘zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

10) 45-banddagi “QMQ II-89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani” degan so‘zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

11) 57-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“57. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari hamda yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

12) 67-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan so‘zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13) 73-banddagi “GOST 12.1.003-89” va “GOST 12.1.012-90” degan so‘zlar tegishli ravishda “GOST 12.1.003-2014” va “GOST 12.1.012-2004” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

14) 2-bobning 13-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

15) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlar tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga mos kelishi kerak.”;

16) 77-banddagi “kanalizatsiyaga” degan so‘z “oqova suvlar tizimiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

17) 81 va 82-bandlardagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

18) 83-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

19) 94-banddagi “ShNQ 2.09.04-09 “Tashkilotlarning ma‘muriy va maishiy binolari” degan so‘zlar “ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish

hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari" shaharsozlik normalari va qoidalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

20) 101-banddagi "GOST 12.3.002-75" degan so'zlar "GOST 12.3.002-2014" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

21) 169-banddagi "GOST 12.1.003-83" degan so'zlar "GOST 12.1.003-2014" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 12-iyundagi 44-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2471, 2013-yil 25-iyun) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 26-son, 342-modda) bilan tasdiqlangan O'rmon xo'jaligi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"Mazkur Qoidalar o'rmon xo'jaligi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.";

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.";

3) 5 va 12-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

4) 8-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"8. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.";

5) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"13. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.";

6) 14-banddagi "GOST 17.2.3.02-78" degan so'zlar "GOST 17.2.3.02-2014" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

7) 36-banddagi "har yili tibbiy ko'rikdan" degan so'zlar "har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 37 va 38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"37. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi.

38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.";

9) 39-banddagi "tibbiy ko'riklar" degan so'zlar "majburiy tibbiy ko'riklar" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 42-bandning uchinchi xatboshisidagi "QMQ 3.01.05-98 "Tabiiy va sun'iy yoritish. Loyihalashtirish me'yorlari"ga" degan so'zlar "ShNQ 2.01.05-24 "Tabiiy

va sun'iy yoritish" shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 43-banddagi "QMQ 2.04.05-97 "Isitish, ventilyatsiya va konditsionerlash" degan so'zlar "ShNQ 2.04.05-22 "Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash" shaharsozlik normalari va qoidalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

12) 45-banddagi "QMQ II-89-80 "Sanoat tashkilotlarining bosh plani" degan so'zlar "ShNQ 2.09.17-21 "Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash" shaharsozlik normalari va qoidalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

13) 57-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"57. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari hamda yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 "Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari" shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi lozim.";

14) 67-banddagi "QMQ 2.04.05-97 "Isitish, shamollatish va konditsionerlash" degan so'zlar "ShNQ 2.04.05-22 "Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash" shaharsozlik normalari va qoidalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

15) 73-banddagi "GOST 12.1.003-89" va "GOST 12.1.012-90" degan so'zlar tegishli ravishda "GOST 12.1.003-2014" va "GOST 12.1.012-2004" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

16) 2-bobning 13-paragrafi nomidagi "kanalizatsiya" degan so'z "oqova suvlar" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

17) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"76. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlar tizimi ShNQ 2.04.01-22 "Binolarning ichki suv ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish" shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga mos kelishi kerak.";

18) 77-banddagi "kanalizatsiyaga" degan so'z "oqova suvlar tizimiga" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

19) 81 va 82-bandlardagi "kanalizatsiya" degan so'z "oqova suvlar" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

20) 83-banddagi "QMQ 2.01.05-98 "Tabiiy va sun'iy yoritish" degan so'zlar "ShNQ 2.01.05-24 "Tabiiy va sun'iy yoritish" shaharsozlik normalari va qoidalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

21) 94-banddagi "ShNQ 2.09.04-09 "Tashkilotlarning ma'muriy va maishiy binolari" degan so'zlar "ShNQ 2.09.02-23 "Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari" shaharsozlik normalari va qoidalari" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

22) 121-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"121. Tashkilotlarda elektr qurilmalarni o'rnatish va ulardan foydalanishda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste'molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste'molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari hamda mazkur Qoidalar talablariga rioya qilinishi kerak.".

4. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2013-yil 26-iyundagi 46-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2478, 2013-yil

16-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 29-son, 376-modda) bilan tasdiqlangan Baliqchilik ishlab chiqarishi xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

2) 5 va 12-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

3) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

4) 14-banddagi “GOST 17.2.3.02-78” degan so'zlar “GOST 17.2.3.02-2014” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

5) 36-banddagi “har yili tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar “har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

6) 37 va 38-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37. Majburiy tibbiy ko'riklar tashkilotga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa tashkilot joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi.

38. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

7) 39-banddagi “tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 42-bandning uchinchi xatboshisidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun'iy yoritish. Loyihalashtirish me'yorlari”ga” degan so'zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 43-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, ventilyatsiya va konditsionerlash” degan so'zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 45-banddagi “QMQ II-89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani” degan so'zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 57-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“57. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari hamda yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

12) 67-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan so'zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

13) 73-banddagi “GOST 12.1.003-89” va “GOST 12.1.012-90” degan soʻzlar tegishli ravishda “GOST 12.1.003-2014” va “GOST 12.1.012-2004” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

14) 2-bobning 13-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

15) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Suv bilan taʼminlash va oqova suvlar tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv taʼminoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” shaharsozlik normalari va qoidalari talablariga mos kelishi kerak.”;

16) 77-banddagi “kanalizatsiyaga” degan soʻz “oqova suvlar tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

17) 81 va 82-bandlardagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

18) 83-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

19) 94-banddagi “ShNQ 2.09.04-09 “Tashkilotlarning maʼmuriy va maishiy binolari” degan soʻzlar “ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda maʼmuriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari” shaharsozlik normalari va qoidalari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

20) 101-banddagi “GOST 12.3.002-75” degan soʻzlar “GOST 12.3.002-2014” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRINING  
BUYRUG'I

**641 O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3692*

O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, O'zbekiston Respublikasining "Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida"gi, "Ichimlik suvi ta'minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida"gi va "Texnik jihatdan tartibga solish to'g'risida"gi qonunlari hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 14-iyuldagi PF-111-son "Davlat boshqaruvi tizimida samaradorlik, proaktivlik va natijadorlikni oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 23-sentabr,  
19-2025/B-son

*Kelishildi:*

*Qurilish va uy-joy kommunal  
xo'jaligi vaziri*

*Sh. XIDOYATOV*

*2025-yil 12-sentabr*

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 14-oktabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining  
2025-yil 23-sentabrdagi 19-2025/B-son  
buyrug'iga  
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik  
vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy  
hujjatlarga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 23-noyabrdagi 191-B-son buyrug'i (ro'yxat raqami 2161, 2010-yil 6-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 49-son, 462-modda) bilan tasdiqlangan Tamaki ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar tamaki ishlab chiqarish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Ushbu Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normalarlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5, 6 va 13-bandlar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin;

4) 8 va 9-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“8. O'zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to'g'risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo'lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta'minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo'lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo'lgan tashkilotda yo'l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo'l harakati xavfsizligi bo'yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

9. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”;

5) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining

mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 14-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

7) 34 — 37-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“34. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

35. Tashkilot ma'muriyati (yoki ish beruvchi) kasaba uyushmasi qo'mitasi va sog'liqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda xodimlarning ko'rikka kelishini ta'minlashi lozim.

36. Majburiy tibbiy ko'riklar korxonalariga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa korxonada joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.

37. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

8) 38-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 40-banddagi “QMQ II-89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani” degan so'zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 46-banddagi “QMQ 2.09.02-85 “Ishlab chiqarish binolari” talabiga” degan so'zlar “ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 47-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi lozim.”;

12) 58-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun'iy yoritish” degan so'zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun'iy yoritish” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

13) 65-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan so'zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

14) 2-bobning 12-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya tizimiga” degan so'zlar “oqova suvlar tizimiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

15) 71-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“71. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlar tizimi ShNQ 2.04.01-22

“Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

16) 74-banddagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

17) 75-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“75. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yo‘q bo‘lganda O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlari bilan kelishilgan holda korxonada yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qo‘l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o‘ralariga ruxsat etiladi.”;

18) 76-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“76. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste‘molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste‘molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilish kerak.”.

2. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 27-dekabrdagi 204-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2186, 2011-yil 28-yanvar) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 4-5-son, 39-modda) bilan tasdiqlangan Xalq badiiy hunarmandchiligi va sovg‘alar ishlab chiqarish korxonalari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar xalq badiiy hunarmandchiligi va sovg‘alar ishlab chiqarish korxonalari xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normalarlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5 va 11-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

4) 6 va 7-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“6. O‘zbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq bo‘lgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini ta‘minlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha tegishli tayyorgarlikka ega bo‘lgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud bo‘lgan tashkilotda yo‘l harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yo‘l harakati xavfsizligi bo‘yicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo‘lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo‘yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to‘g‘risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o‘ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

7. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”;

5) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 12-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“12. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

7) 33 — 35-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Tashkilot ma'muriyati (yoki ish beruvchi) kasaba uyushmasi qo'mitasi va sog'liqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda xodimlarning ko'rikka kelishini ta'minlashi lozim.

34. Majburiy tibbiy ko'riklar korxonalariga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa korxonada joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.

35. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

8) 36-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 38-banddagi “QMQ II-89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani” degan so'zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 45-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“45. Noqulay omillar ta'siriga qarshi himoya tadbirlarini tuzishda samarali havo almashinuvi tizimi ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talablariga muvofiq bo'lishi lozim.”;

11) 46-banddagi “QMQ 2.09.02-85 “Ishlab chiqarish binolari” talablariga” degan so'zlar “ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

12) 47-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma'muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi lozim.”;

13) 58-banddagi QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” talablariga” degan soʻzlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talablariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

14) 2-bobning 12-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya tizimiga” degan soʻzlar “oqova suvlar tizimiga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

15) 67-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suvlar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

16) 68-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“68. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yoʻq boʻlganda Oʻzbekiston Respublikasi Sogʻliqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qoʻmitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) boʻlimlari bilan kelishilgan holda tashkilotda yer qatlamini ifloslantirmagan holda dushxonalardan va yuz-qoʻl yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat oʻralarining mavjud boʻlishiga ruxsat etiladi.”;

17) 69-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

18) 84-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“84. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilinishi kerak.”.

3. Oʻzbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2011-yil 30-iyundagi 35-B-son buyrugʻi (roʻyxat raqami 2248, 2011-yil 25-iyul) (Oʻzbekiston Respublikasi qonun hujjatlari toʻplami, 2011-y., 30-son, 319-modda) bilan tasdiqlangan Televideniye va radio eshittirish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar televideniye va radio eshittirish xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normalarlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5 va 12-bandlar oʻz kuchini yoʻqotgan deb topilsin;

4) 7 va 8-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“7. Oʻzbekiston Respublikasi “Mehnatni muhofaza qilish toʻgʻrisida”gi Qonunining 12-moddasiga muvofiq, ishlab chiqarish faoliyatini amalga oshiruvchi, xodimlarining soni ellik kishi va undan ortiq boʻlgan har bir tashkilotda mehnatni muhofaza qilish talablariga rioya etilishini taʼminlash, ularning bajarilishi ustidan nazoratni amalga oshirish maqsadida mehnatni muhofaza qilish xizmati tashkil etiladi yoki mehnatni muhofaza qilish boʻyicha tegishli tayyorgarlikka ega boʻlgan mutaxassis lavozimi joriy etiladi. Ellikta va undan ortiq transport vositasi mavjud boʻlgan tashkilotda yoʻl harakati xavfsizligi xizmati ham tashkil etiladi yoki yoʻl harakati xavfsizligi boʻyicha mutaxassis lavozimi joriy etiladi.

Xodimlarining soni ellik nafardan kam bo'lgan tashkilotda mehnatni muhofaza qilish xizmatini tashkil etish yoki mehnatni muhofaza qilish bo'yicha mutaxassis lavozimini joriy etish to'g'risidagi qaror ish beruvchi tomonidan mazkur tashkilot faoliyatining o'ziga xos xususiyati hisobga olingan holda qabul qilinadi.

8. Mehnatni muhofaza qilish xizmati va yo'l harakati xavfsizligi xizmati tashkilotning mustaqil tarkibiy bo'linmalari bo'lib, ular bevosita tashkilot rahbariga bo'ysunadi.”;

5) 10-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“10. Tashkilotlarda mehnat faoliyati bilan bog'liq ravishda sodir bo'lgan baxtsiz hodisalar va boshqa jarohatlanishlarni tekshirish va hisobini yuritish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 6-iyundagi 286-son qarori bilan tasdiqlangan Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalarni va xodimlar salomatligining mehnat vazifalarini bajarish bilan bog'liq boshqa xil zararlanishini tekshirish va hisobga olish to'g'risidagi nizomga muvofiq amalga oshirilishi lozim.”;

6) 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“13. Ishlarni texnologik reglament bo'yicha xavfsiz yuritish yo'riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo'riqnomalar bilan ta'minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

7) 33 — 36-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom (ro'yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

34. Tashkilot ma'muriyati (yoki ish beruvchi) kasaba uyushmasi qo'mitasi va sog'liqni saqlash organlari bilan birgalikda har yili dastlabki (mehnat shartnomasini tuzayotganda) va davriy (mehnat faoliyati davomida) majburiy tibbiy ko'rikdan o'tishi lozim bo'lgan xodimlarning ro'yxatini tuzishi hamda xodimlarning ko'rikka kelishini ta'minlashi lozim.

35. Majburiy tibbiy ko'riklar korxonalariga tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo'lmagan taqdirda esa korxonada joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o'tkaziladi. Majburiy tibbiy ko'riklar davolash-sog'lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.

36. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko'rikdan o'tmagan yoxud majburiy tibbiy ko'rik natijalariga ko'ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo'yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

8) 37-banddagi “Davriy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar “Davriy majburiy tibbiy ko'riklar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

9) 41-banddagi “QMQ 2.04.05-97 “Isitish, shamollatish va konditsionerlash” degan so'zlar “ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

10) 2-bobning 10-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya tizimiga” degan so'zlar “oqova suvlar tizimiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

11) 47-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“47. Suv bilan ta'minlash va oqova suvlar tizimi ShNQ 2.04.01-22

“Binolarning ichki suv ta’minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

12) 50-banddagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

13) 51-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“51. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yo‘q bo‘lganda O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlari bilan kelishilgan holda korxonada yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qo‘l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o‘ralariga ruxsat etiladi.”;

14) 52-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste‘molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste‘molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilish kerak.”;

15) 67-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

16) 74-banddagi “QMQ II-89-80 “Sanoat tashkilotlarining bosh plani” degan so‘zlar “ShNQ 2.09.17-21 “Sanoat korxonalarining bosh rejalarini loyihalash” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

17) 83 va 84-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“83. Ishlab chiqarish binolari va inshootlari ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi kerak.

84. Yordamchi binolar va xonalar ShNQ 2.09.02-23 “Korxonalarining ishlab chiqarish hamda ma‘muriy-maishiy bino va inshootlari. Loyihalash talablari”ga mos kelishi lozim.”;

18) 104-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“104. Teleko‘rsatuvlar, kinofilmlarni tayyorlash va tasvirga olish hamda radio eshittirishlarni tayyorlash va yozishda Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Iste‘molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Iste‘molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilish kerak.”.

4. O‘zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2012-yil 29-fevraldagi 10-B-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2348, 2012-yil 31-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 14-son, 159-modda) bilan tasdiqlangan Fizioterapevtik bo‘linmalar (kabinetlar) xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish qoidalarida:

1) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Qoidalar fizioterapevtik bo‘linmalar (kabinetlar) xodimlari uchun mehnatni muhofaza qilish tartibini belgilaydi.”;

2) 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“3. Mazkur Qoidalar texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlar, shaharsozlik normalari va qoidalari, sanitariya qoidalari, normalari va gigiyena normativlari talablari bajarilishi shart ekanligini istisno etmaydi.”;

3) 5 va 8-bandlar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin;

4) 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. Ishlarni texnologik reglament bo‘yicha xavfsiz yuritish yo‘riqnomalari ishlab chiqiladi va xodimlar hamda ish joylarini shu yo‘riqnomalar bilan ta‘minlash tashkilot rahbariyati zimmasiga yuklatiladi.”;

5) 29 — 31-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“29. Tashkilotlarda xodimlarning salomatligini nazorat qilish Xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizom (ro‘yxat raqami 2387, 2012-yil 29-avgust) asosida amalga oshirilishi lozim.

30. Majburiy tibbiy ko‘riklar korxonalariga tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan, ular bo‘lmagan taqdirda esa korxonada joylashgan yerdagi davolash-profilaktika muassasalari tomonidan o‘tkaziladi. Majburiy tibbiy ko‘riklar davolash-sog‘lomlashtirish tadbirlari belgilangan tekshirish dalolatnomasi bilan yakunlanishi lozim.

31. Ish beruvchi majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tmagan yoxud majburiy tibbiy ko‘rik natijalariga ko‘ra tibbiy komissiyalar tomonidan berilgan tavsiyalarni bajarishdan bo‘yin tovlagan shaxslarni ishdan chetlashtirishi shart.”;

6) 32-banddagi “Davriy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar “Davriy majburiy tibbiy ko‘riklar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

7) 34-bandning uchinchi xatboshisidagi “QMQ 3.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yorug‘lik. Loyihalashtirish me‘yorlari”ga” degan so‘zlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” talablariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

8) 36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Shamollatish va isitish ShNQ 2.04.05-22 “Isitish, ventilyatsiya va konditsiyalash” talabiga muvofiq bo‘lishi lozim.”;

9) 2-bobning 10-paragrafi nomidagi “kanalizatsiya tizimiga” degan so‘zlar “oqova suvlar tizimiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

10) 41-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“41. Suv bilan ta‘minlash va oqova suvlar tizimi ShNQ 2.04.01-22 “Binolarning ichki suv ta‘minoti va oqova suvlarni chiqarib yuborish” talabiga mos kelishi kerak.”;

11) 44-banddagi “kanalizatsiya” degan so‘z “oqova suvlar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

12) 45-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“45. Tashkilotda oqova suvlar tizimi yo‘q bo‘lganda O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasining hududiy boshqarmalari yoki tuman (shahar) bo‘limlari bilan kelishilgan holda korxonada yer qatlamini ifloslantirmaslikka va ishlab chiqarish oqova suvlariga dushxonalardan va yuz-qo‘l yuvgichlardan suv oqmaydigan qurilmali axlat o‘ralariga ruxsat etiladi.”;

13) 46-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sun‘iy yoritish” talabiga”

degan soʻzlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” talablariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

14) 85-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“85. Elektr qurilmalarini va tarmoqlarini montaj qilish va ishlatish vaqtida Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son qarori bilan tasdiqlangan Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalari va Isteʼmolchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalari talablariga rioya qilish kerak.”;

15) 94, 166 va 169-bandlardagi “kanalizatsiyaga” degan soʻzlar “oqova suvlarga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

16) 107-banddagi “kanalizatsiyasi” degan soʻz “oqova suvlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

17) 119-banddagi “QMQ 2.01.05-98 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar “ShNQ 2.01.05-24 “Tabiiy va sunʼiy yoritish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

18) 139-banddagi “kanalizatsiya” degan soʻz “oqova suv” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOLIQ QO‘MITASINING  
QARORI**642 “Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirishlar kiritish haqida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
16-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3221-7*

O‘zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Yer qari to‘g‘risida”gi va 2024-yil 24-dekabrda O‘RQ–1014-son “Soliq va byudjet siyosatining 2025-yilga mo‘ljallangan asosiy yo‘nalishlari qabul qilinganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasining 2020-yil 28-yanvardagi 2020-03-son “Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 3221, 2020-yil 24-fevral) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 24.02.2020-y., 10/20/3221/0203-son) ilovaga\*\* muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 3-oktabr,  
2025-18-son

*Kelishildi:*

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**J. KUCHKAROV**

*2025-yil 30-sentabr*

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 17-oktabrda e‘lon qilingan.

\*\* Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI HUZURIDAGI BOSHQARUV SAMARADORLIGI  
AGENTLIGI DIREKTORINING  
BUYRUG‘I

**643 Davlat fuqarolik xizmatchilari faoliyatining samaradorligini eng muhim ko‘rsatkichlar asosida baholash uslubiyatiga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
17-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3407-2*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 7-avgustdagi PF–129-son “Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hamda tuman (shahar) hokimliklari xodimlarining mehnatiga haq to‘lash va ularni moddiy rag‘batlantirish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat xizmatini rivojlantirish agentligi direktorining 2022-yil 21-noyabrdagi 2-2022-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3407, 2022-yil 28-dekabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 28.12.2022-y., 10/22/3407/1127-son) bilan tasdiqlangan Davlat fuqarolik xizmatchilari faoliyatining samaradorligini eng muhim ko‘rsatkichlar asosida baholash uslubiyatiga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Raqamli texnologiyalar vazirligi hamda O‘zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

**Direktor v.b.**

Toshkent sh.,  
2025-yil 9-oktabr,  
3-2025-son

**U. XUSAINOV**

*Kelishildi:*

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

*2025-yil 08-oktabr*

**J. KUCHKAROV**

**Kambag‘allikni qisqartirish  
va bandlik vaziri**

*2025-yil 20-sentabr*

**B. ZAXIDOV**

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-oktabrda e‘lon qilingan.

*Raqamli texnologiyalar vaziri*

*Sh. SHERMATOV*

*2025-yil 12-sentabr*

*O'zbekiston Kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi Kengashi raisi*

*K. RAFIKOV*

*2025-yil 22-sentabr*

O'zbekiston Respublikasi  
Prezidenti huzuridagi Boshqaruv samaradorligi  
agentligi direktorining 2025-yil 9-oktabrdagi  
3-2025-son buyrug'iga  
ILOVA

**Davlat fuqarolik xizmatchilari faoliyatining samaradorligini  
eng muhim ko'rsatkichlar asosida baholash uslubiyatiga  
kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. 1-bandning ikkinchi xatboshisi “baholashning alohida tartibi belgilangan davlat organlaridagi lavozimlarga” degan so'zlardan keyin “, shuningek mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlaridagi lavozimlarga” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

2. 2-bandning o'n beshinchi va o'n oltinchi xatboshilaridagi “Davlat xizmatini rivojlantirish agentligining” degan so'zlar “Boshqaruv samaradorligi agentligining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 3-bandning to'rtinchi xatboshisidagi “Davlat xizmatini rivojlantirish agentligining” degan so'zlar “Boshqaruv samaradorligi agentligining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 4-banddagi “Davlat xizmatini rivojlantirish agentligi” degan so'zlar “Boshqaruv samaradorligi agentligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 8-bandning ikkinchi xatboshisidagi “Davlat xizmatini rivojlantirish agentligining” degan so'zlar “Boshqaruv samaradorligi agentligining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 9-bandning birinchi xatboshisidan “, mahalliy ijroiya hokimiyati organlarida Axborot-tahlil guruhlarini” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

7. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Davlat organining tarkibiy tuzilmalari, shuningdek hududiy va idoraviy mansub tashkilotlari hamda ularning tarkibiy bo'linmalarida davlat fuqarolik xizmatchisi faoliyati EMSKning maqsadli ko'rsatkichlarini ishlab chiqish, tasdiqlash va baholash ushbu Uslubiyatning 1-ilovasiga muvofiq sxema bo'yicha amalga oshiriladi.”.

8. 19-banddan beshinchi — o'n ikkinchi xatboshilar chiqarib tashlansin.

9. 37-banddagi “Davlat xizmatini rivojlantirish agentligi” degan so'zlar “Boshqaruv samaradorligi agentligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

10. 2-ilova o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**644** “Mikromoliya tashkilotlari va lombardlar faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarorga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil  
17-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3412-1*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi hamda “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 19-avgustdagi PF–138-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlar bilan V ochiq muloqotida belgilangan vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2022-yil 6-dekabrda 28/2-son “Mikromoliya tashkilotlari va lombardlar faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga (ro‘yxat raqami 3412, 2023-yil 11-yanvar) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 13.01.2023-y., 10/23/3412/0021-son) ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**T. ISHMETOV**

Toshkent sh.,  
2025-yil 15-sentabr,  
21/4-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil  
15-sentabrdagi 21/4-son qaroriga  
ILOVA

**“Mikromoliya tashkilotlari va lombardlar faoliyatini  
muvofiqlashtirish va tartibga solish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash  
haqida”gi qarorga kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. Qarorning nomi va 1-bandi “Mikromoliya tashkilotlari” degan so'zlardan keyin “, faktoring tashkilotlari” degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

2. Nizomda:

1) nomi “Mikromoliya tashkilotlari” degan so'zlardan keyin “, faktoring tashkilotlari” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

2) muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom mikromoliya tashkilotlari, faktoring tashkilotlari (bundan buyon matnda tashkilotlar deb yuritiladi) va lombardlar tomonidan faoliyatni amalga oshirishda ularga qo'yiladigan talablar, shu jumladan tashkilotlarning aktivlari sifatini tasniflash, aktivlar bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarga qarshi zaxiralarni yaratish hamda ulardan foydalanish, prudensial normativlar, lombardlar tomonidan faoliyat va operatsiyalarni amalga oshirish, tashkilotlar va lombardlar tomonidan moliyaviy hisobotlarni taqdim etish tartibini belgilaydi.”;

3) 1-bobning nomi, 5-bobning 1 va 2-paragraflarining nomi, 59-bandning birinchi xatboshisi hamda 60 va 61-bandlardagi “Mikromoliya tashkilotlari” degan so'zlar “Tashkilotlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

4) 1-bandda:

ikkinchi xatboshi “moddalar (kafolat)” degan so'zlardan keyin “, shuningdek islomiy ijara, foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (muzoraba), nasiya savdoga asoslangan moliyalashtirish (murobaha), sherikchilik — foyda va zararlarni taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (mushoraka), oldindan to'lovga asoslangan moliyalashtirish (salam) (bundan buyon matnda islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar deb yuritiladi)” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

uchinchi, to'rtinchi va beshinchi xatboshilardagi “mikromoliya tashkiloti” degan so'zlar “tashkilotlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

5) 2-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“2. Tashkilotlar o'z faoliyati davomida vujudga keladigan zararlarni qoplash uchun zaxira fondining yaratilishini ko'zda tutishlari mumkin va uning miqdori tashkilotlarning ta'sis hujjatlarida ko'rsatiladi.”;

6) 1-bobning 2-paragrafi nomidagi “Mikromoliya tashkilotlarining” degan so'zlar “Tashkilotlarning” degan so'z bilan almashtirilsin;

7) 3-banddagi “Mikromoliya tashkilotining” va “zaxirasi” degan so'zlar tegishli ravishda “Tashkilotlarning” hamda “zaxiralar” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

8) 4, 29 va 67-bandlardagi “Mikromoliya tashkilotining” degan so'zlar “Tashkilotlarning” degan so'z bilan almashtirilsin;

9) 5-bandda:

birinchi xatboshidagi “Mikromoliya tashkilotining” degan soʻzlar “Tashkilotlarning” degan soʻz bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshi “(yoki) foizlar” degan soʻzlardan keyin “yoxud boshqa toʻlovlar” degan soʻzlar bilan toʻldirilsin;

uchinchi, toʻrtinchi va beshinchi xatboshilar “(yoki) foizlarni” degan soʻzlardan keyin “yoxud boshqa toʻlovlarni” degan soʻzlar bilan toʻldirilsin;

10) 6-bandda:

ikkinchi, uchinchi, toʻrtinchi va oltinchi xatboshilardagi “mikromoliya tashkilotiga” degan soʻzlar “tashkilotlarga” degan soʻz bilan almashtirilsin;

yettinchi, toʻqqizinchi va oʻninchi xatboshilardagi “mikromoliya tashkiloti” degan soʻzlar “tashkilotlar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

11) 7-banddagi “mikromoliya tashkiloti” degan soʻzlar “tashkilotlar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

12) 9-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“foiz stavkasining pasaytirilishi yoki ustama miqdorining kamaytirilishi, bundan shartnomada belgilangan oʻzgaruvchan foiz stavkasi pasayishi munosabati bilan, shuningdek, tashkilotlarning tashabbusi bilan foiz stavkasining pasaytirilishi yoki ustama miqdorining kamaytirilishi holatlari mustasno.”;

toʻrtinchi xatboshi “foizlar” degan soʻzdan keyin “, ustama” degan soʻz bilan toʻldirilsin;

13) 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Aktivlar sifatini tasniflash va ularni tashkilotlarning balanslarida aks ettirish tashkilotlar va qarzdor yoki pul talabnomasidan voz kechuvchi oʻrtasida tuzilgan shartnoma shartlarini oʻzgartirmaydi, shu jumladan shartnoma shartlariga muvofiq tashkilotlar tomonidan asosiy qarz va unga hisoblangan foizlarni, shuningdek shartnoma shartlarini bajarmaganligi uchun jarima va penyalarni toʻliq miqdorda qarzdordan undirish huquqini bekor qilmaydi.”;

14) 12-banddagi “mikromoliya tashkiloti” degan soʻzlar “tashkilotlar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

15) 13-bandda:

birinchi xatboshidagi “Mikromoliya tashkiloti aktivining” degan soʻzlar “Tashkilotlar aktivlarining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

toʻrtinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkiloti” degan soʻzlar “tashkilotlar” degan soʻz bilan almashtirilsin;

16) 14-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“14. Aktiv sifati “umidsiz” deb tasniflanishi bilan tashkilotlar uch ish kunida ushbu aktivni zaxira evaziga hisobdan chiqarishlari (“Koʻzda tutilmagan holatlar” hisobvaragʻiga oʻtkazishlari) lozim.”;

17) 15-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“15. Tashkilotlar qarzdor majburiyatining toʻliq summasini toʻgʻri aks ettirish uchun mazkur aktivga foizlar yoki neustoyka hisoblab yozishni uni balansdan tashqari moddalarga oʻtkazganlaridan keyin ham davom ettiradilar, qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda qarzdor va kafilning majburiyatlari bekor boʻladigan holatlar bundan mustasno.”;

18) 16-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Tashkilotlar zaxiralarni aktivlarni tasniflash uchun mazkur Nizomda nazarda tutilgan asoslar vujudga kelgan sanadan boshlab shakllantirishlari va ular bo'yicha buxgalteriya o'tkazmalarini dasturlashgan holda amalga oshirishlari lozim.”;

19) 17-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“17. Tashkilotlarning ijro etuvchi organlari zaxiralarning doimiy ravishda yetarli ekanligini ta'minlash uchun javobgardir.”;

20) 19-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“19. Tashkilotlarning ijro etuvchi organlari moliyaviy yil yakuni bo'yicha tashkilotlar ishtirokchilari (aksiyadorlari) umumiy yig'ilishida sifati “umidsiz” deb tasniflangan aktivlarni undirish bo'yicha qo'llangan chora-tadbirlar haqida hisobot berishlari lozim.”;

21) 24-bandning birinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24. Tashkilotlar quyidagi mablag'lar hisobidan faoliyat ko'rsatganda prudensial normativlarga rioya etishlari shart.”;

22) 25-bandda:

birinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkilotlariga” degan so'zlar “tashkilotlarga” degan so'z bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkilotiga” degan so'zlar “tashkilotlarga” degan so'z bilan almashtirilsin;

23) 26-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“26. Tashkilotlarning bir qarz oluvchi yoki o'zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi hamda tashkilotlarga aloqador bo'lgan shaxslar bo'yicha tavakkalchiliklari tegishliligi bo'yicha quyidagilarni o'z ichiga oladi.”;

quyidagi mazmundagi oltinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlar.”;

oltinchi — sakkizinchi xatboshilar tegishli ravishda yettinchi — to'qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin;

to'qqizinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkilotiga” degan so'zlar “tashkilotlarga” degan so'z bilan almashtirilsin;

24) quyidagi mazmundagi 26<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

“26<sup>1</sup>. Faktoring xizmati bo'yicha tashkilotlarning bir qarz oluvchi va o'zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi hamda tashkilotlarga aloqador bo'lgan shaxslarga doir tavakkalchiligi:

tashkilotlar tomonidan mijozga nisbatan regress talabini qo'yish huquqi mavjud bo'lmasa yoki mavjud bo'lib, ushbu huquqdan foydalanish zarurati yuzaga kelmagan bo'lsa, qarzdorga;

mazkur regress talabini qo'yish huquqi mavjud bo'lsa va ushbu huquqdan foydalanish zarurati vujudga kelgan bo'lsa, mijozga nisbatan hisoblanadi.”;

25) 27 va 28-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“27. Tashkilotlar kapitalining yetarlilik koeffitsiyenti tashkilotlar jami xususiy kapitalining jami aktivlariga nisbati orqali hisoblanadi va ushbu koeffitsiyent 10 foizdan kam bo'lmasligi lozim.

28. Tashkilotlar kapitalining yetarlilik koeffitsiyentini hisoblashda tashkilotlar tomonidan yuridik shaxslarning ustav fondiga (ustav kapitaliga) qilingan barcha investitsiyalar jami aktivlar hamda xususiy kapitaldan chegiriladi.”;

26) 31 va 32-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“31. Tashkilotlarning bir qarz oluvchiga yoki o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhiga doir tavakkalchiligining eng ko‘p miqdori tashkilot xususiy kapitalining 25 foizidan oshmasligi lozim.

32. Tashkilotlar barcha yirik tavakkalchiliklarining (jami summasi xususiy kapitalning 10 foizi va undan yuqori bo‘lgan bir qarz oluvchi yoki o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhiga doir tavakkalchiliklar) umumiy miqdori tashkilot xususiy kapitalining 5 barobaridan oshmasligi lozim.”;

27) 2-bobning 5-paragrafi nomidagi “Mikromoliya tashkilotiga” degan so‘zlar “Tashkilotlarga” degan so‘z bilan almashtirilsin;

28) 33 va 34-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“33. Tashkilotlarga aloqador bo‘lgan bitta shaxsga to‘g‘ri keluvchi tavakkalchilikning eng ko‘p miqdori tashkilot xususiy kapitalining 25 foizidan oshmasligi lozim.

34. Tashkilotlarga aloqador bo‘lgan barcha shaxslarga to‘g‘ri keluvchi tavakkalchilikning eng ko‘p miqdori tashkilot xususiy kapitalining 50 foizidan oshmasligi lozim.”;

29) 35-banddagi “Mikromoliya tashkilotining” va “mikromoliya tashkiloti” degan so‘zlar tegishli ravishda “Tashkilotlarning” hamda “tashkilot” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

30) 2-bobning 7-paragrafi nomidagi “mikromoliya tashkilotiga” degan so‘zlar “tashkilotlarga” degan so‘z bilan almashtirilsin;

31) 36 — 39-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. Mazkur Nizom kuchga kirgan sanada bir qarz oluvchining yoki o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhining hamda tashkilotlarga aloqador bo‘lgan shaxslarning tashkilot oldida majburiyati mavjud bo‘lib, mazkur majburiyatlarning miqdori ushbu Nizomning 31 va 33-bandlarida belgilangan me‘yorlardan oshishi, bunday majburiyat bo‘yicha tuzilgan shartnoma shartlarini o‘zgartirishga olib kelmaydi.

37. Bir qarz oluvchiga yoki o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhiga hamda tashkilotlarga aloqador bo‘lgan shaxslarga to‘g‘ri keluvchi tavakkalchilikning umumiy summasi shartnoma tuzish vaqtida mazkur Nizomda nazarda tutilgan cheklovlar doirasida bo‘lib, keyinchalik belgilangan me‘yorlardan oshsa (xususiy kapital darajasi tushishi yoki boshqalar sababli), tashkilotlar mazkur holat haqida Markaziy bankka o‘n kun mobaynida ma‘lum qilishlari va Markaziy bank bilan kelishilgan muddatlarda, biroq olti oydan ko‘p bo‘lmagan muddatda tavakkalchilikning umumiy summasini mazkur Nizomning 31 va 33-bandlarida belgilangan talablarga muvofiqlashtirish bo‘yicha choralar ko‘rishlari lozim.

38. Qarz oluvchi shartnoma tuzilgan davrda tashkilotlarga aloqador hisoblanmasdan, keyinchalik unga aloqador shaxsga aylansa, tavakkalchilik miqdorining mazkur Nizomning 33 va 34-bandlarida belgilangan talablardan oshishi prudensial normativga nomuvofiq deb tan olinmaydi, basharti tashkilotlar

Markaziy bankka o'n kun mobaynida bu haqida ma'lum qilib, Markaziy bank bilan kelishilgan muddatlarda, biroq olti oydan ko'p bo'lmagan muddatda prudensial normativga muvofiqlashtirishni o'z zimmlariga olgan bo'lsalar.

39. Tashkilotlar bir qarz oluvchi yoki o'zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi, shuningdek tashkilotlarga aloqador bo'lgan shaxslar uchun tavakkalchiliklar hisobini yuritishlari va bu to'g'risidagi ma'lumotlarni hisobot oyidan keyingi oyning 5-sanasisigacha har oyda Markaziy bankka taqdim etib borishlari lozim.”;

32) 52-bandda:

birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“52. Tashkilotlar va lombardlar tegishliligiga ko'ra mazkur Nizomning 53, 53<sup>1</sup> va 54-bandlariga muvofiq Markaziy bankka quyidagi moliyaviy va nazoratga oid hisobotlarni hamda ularning elektron ma'lumotlarini taqdim etadi.”;

quyidagi mazmundagi o'n birinchi — o'n sakkizinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“ko'rsatilgan nasiya savdoga asoslangan moliyalashtirish (murobaha) xizmatlari to'g'risida ma'lumot (11<sup>1</sup>-ilova);

ko'rsatilgan islomiy ijara xizmatlari to'g'risida ma'lumot (11<sup>2</sup>-ilova);

ko'rsatilgan oldindan to'lovga asoslangan moliyalashtirish (salam) xizmatlari to'g'risida ma'lumot (11<sup>3</sup>-ilova);

ko'rsatilgan foydani taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (muzoraba) va sherikchilik — foyda va zararlarni taqsimlashga asoslangan moliyalashtirish (mushoraka) xizmatlari (yuridik shaxs tashkil etmasdan) to'g'risida ma'lumot (11<sup>4</sup>-ilova);

aktivlar tahlili to'g'risida ma'lumot (11<sup>5</sup>-ilova);

majburiyatlar tahlili to'g'risida ma'lumot (11<sup>6</sup>-ilova);

aloqador shaxslar bilan tuzilgan bitimlar to'g'risida ma'lumot (11<sup>7</sup>-ilova);

yirik tavakkalchiliklar to'g'risida ma'lumot (11<sup>8</sup>-ilova);”;

o'n birinchi xatboshi o'n to'qqizinchi xatboshi deb hisoblansin;

33) 53-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“53. Mikromoliya tashkilotlari tomonidan mazkur Nizomning 52-bandi ikkinchi — o'n to'qqizinchi xatboshilarida ko'rsatilgan hisobot va ma'lumotlar taqdim etiladi. Bunda ushbu Nizomning 52-bandi to'rtinchi, oltinchi — o'n to'rtinchi xatboshilarida ko'rsatilgan hisobot va ma'lumotlar moliyaviy natijalar yoki ushbu xizmatlar bo'yicha qoldiq mavjud bo'lganda, o'n beshinchi — o'n to'qqizinchi xatboshilarida ko'rsatilgan hisobot va ma'lumotlar mikromoliya tashkiloti mazkur Nizomning 24-bandida ko'rsatilgan mablag'lar hisobidan faoliyat ko'rsatganda taqdim etiladi.”;

34) quyidagi mazmundagi 53<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

“53<sup>1</sup>. Faktoring tashkilotlari tomonidan mazkur Nizomning 52-bandi ikkinchi — beshinchi, yettinchi — to'qqizinchi va o'n beshinchi — o'n to'qqizinchi xatboshilarida ko'rsatilgan hisobot va ma'lumotlar taqdim etiladi.

Bunda, ushbu Nizomning 52-bandi to'rtinchi, yettinchi — to'qqizinchi xatboshilarida ko'rsatilgan hisobot va ma'lumotlar moliyaviy natijalar yoki ushbu xizmatlar bo'yicha qoldiq mavjud bo'lganda, o'n beshinchi — o'n to'qqizinchi xatboshilarida ko'rsatilgan hisobot va ma'lumotlar faktoring tashkiloti mazkur

Nizomning 24-bandida ko'rsatilgan mablag'lar hisobidan faoliyat ko'rsatganda taqdim etiladi.”;

35) 56-banddagi “mikromoliya tashkilotlari” va “ikki ish kunida” degan so'zlar tegishli ravishda “tashkilotlar” hamda “besh kunda” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

36) 57-banddagi “mikromoliya tashkilotlarining” degan so'zlar “tashkilotlarning” degan so'z bilan almashtirilsin;

37) 58-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“58. Tashkilotlar va lombardlar avtomatlashtirilgan axborot tizimi orqali moliyaviy hisobotlarning elektron ma'lumotlarini shakllantirib, Bank tizimi ma'lumotlar omborxonasiga (bundan buyon matnda BTMO deb yuritiladi) hisobot oyidan keyingi oyning 10-sanasi gacha aloqa kanallari orqali yuborishi shart. Agar oyning 10-sanasi dam olish yoki bayram kuniga to'g'ri kelsa, bunda moliyaviy hisobotlarning elektron ma'lumotlari dam olish yoki bayram kundan keyingi ish kunida taqdim etilishi lozim.”;

38) 62-bandning birinchi xatboshisi va 78-banddagi “mikromoliya tashkilotining” degan so'zlar “tashkilotlarning” degan so'z bilan almashtirilsin;

39) 63-bandning birinchi xatboshisidagi “Mikromoliya tashkilotining” va “mikromoliya tashkilotining” degan so'zlar tegishli ravishda “Tashkilotlarning” hamda “tashkilotning” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

40) 64-bandning to'qqizinchi xatboshisidagi “mikromoliya tashkilotida” degan so'zlar “tashkilotlarda” degan so'z bilan almashtirilsin;

41) 68-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “ta'lim muassasalarida” degan so'zlar “ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “ta'lim muassasasida” degan so'zlar “ta'lim tashkilotida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkilotlari” degan so'zlar “tashkilotlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

42) 73-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkiloti” degan so'zlar “tashkilotlar” degan so'z bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi “mikromoliya tashkilotining” degan so'zlar “tashkilotlarning” degan so'z bilan almashtirilsin;

43) 74-bandning beshinchi xatboshisi va 77-bandning birinchi xatboshisidagi “mikromoliya tashkilotining” degan so'zlar “tashkilotlarning” degan so'z bilan almashtirilsin;

44) 1 — 6, 8, 11 va 12-ilovalarning ilova belgilari “Mikromoliya tashkilotlari” degan so'zlardan keyin “, faktoring tashkilotlari” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

45) 7-ilova mazkur o'zgartirish va qo'shimchalarning 1-ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin;

46) 9-ilovada:

ilova belgisi “Mikromoliya tashkilotlari” degan so'zlardan keyin “, faktoring tashkilotlari” degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

matnidagi “Mikromoliya tashkiloti” va “mikromoliya tashkiloti” degan so'zlar

tegishli ravishda “Tashkilotlarning” hamda “tashkilotlar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

47) 10-ilovada:

ilova belgisi “Mikromoliya tashkilotlari” degan soʻzlardan keyin “, faktoring tashkilotlari” degan soʻzlar bilan toʻldirilsin;

11-ustun chiqarib tashlansin;

48) mazkur oʻzgartirish va qoʻshimchalarning 2 — 9-ilovalariga\* muvofiq tahrirda 11<sup>1</sup> — 11<sup>8</sup>-ilovalar bilan toʻldirilsin.

---

\* Ilovalar «Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi»da eʼlon qilingan.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. О'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 6-oktabrdagi 294-son "Budjet tashkilotlari va budjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 30-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2634-8.***

2. О'zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligining 2025-yil 3-oktabrdagi 11-mh-son hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2025-yil 29-sentabrdagi 292-son "Maktabgacha ta'lim tashkilotlari va maktab-internatlardagi bolalar ta'minotiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori.

***2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2821-5.***

3. О'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 26-sentabrdagi 290-son "O'zbekiston Respublikasi Davlat budjeti pul mablag'larini kassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo'yicha hujjat shakllari va ularni taqdim qilish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i.

***2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3009-3.***

4. О'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 23-sentabrdagi 20-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3691.***

5. О'zbekiston Respublikasi kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirining 2025-yil 23-sentabrdagi 19-2025/B-son "O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi tomonidan qabul qilingan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2025-yil 13-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3692.***

6. О'zbekiston Respublikasi Soliq qo'mitasining 2025-yil 3-oktabrdagi 2025-18-son "Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

***2025-yil 16-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3221-7.***

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Boshqaruv samaradorligi agentligi direktorining 2025-yil 9-oktabrdagi 3-2025-son "Davlat fuqarolik xizmatchilari faoliyatining samaradorligini eng muhim ko'rsatkichlar asosida baholash uslubiyatiga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

***2025-yil 17-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3407-2.***

8. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2025-yil 15-sentabrdagi 21/4-son "Mikromoliya tashkilotlari va lombardlar faoliyatini muvofiqlashtirish va tartibga solish to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi qarori.

***2025-yil 17-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3412-1.***